

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 338+336.2+336.1(575.1)

ШЕРОВ ЮНУС БАҲОДИРОВИЧ

**Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ ва бюджет тизими,
уларни такомиллаштиришнинг назарий асослари (Ўзбекистон
Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари мисолида)**

5A230101-Иқтисодий назария

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
и.ф.н. доц., М. Яхшиева**

Тошкент-2013

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
I боб. Давлат бюджети ва солиқ тизимининг назарий асослари.....	8
1. Солиқлар ва бюджет тушунчалари, уларнинг моҳияти.....	8
2. Солиқлар ва давлат бюджетининг асосий функциялари ва вазифалари.....	19
3. Ўзбекистонда давлат бюджет-солиқ тизимининг ривожланиш босқичлари.....	27
I боб бўйича хулоса.....	34
II боб. Ўзбекистонда амалга оширилаётган солиқ ва бюджет тизими кўрсаткичлари таҳлили.....	35
1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда солиқ ва бюджет тизимининг роли.....	35
2. Ўзбекистонда давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таҳлили.....	43
3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги, унинг бюджет тизимини бошқаришдаги аҳамияти.....	49
II боб бўйича хулоса.....	56
III боб. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ-бюджет тизимини такомиллаштириш йўналишлари.....	57
1. Ўзбекистон бюджет тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари.....	57
2. Ўзбекистонда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўллари.....	64
3. Давлат бюджетини даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш ва прогнозлаш.....	75
III боб бўйича хулоса.....	81
Хулоса.....	83
Адабиётлар рўйхати.....	86

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Бюджет-солиқ сиёсати солиқ даромадлари истикболини белгилаш бошқарув назарияси ва амалиётида муҳим ўрин эгаллаб, ундан ривожланган мамлакатларнинг барчасида иқтисодий ўсиш усули сифатида фойдаланилади. Бюджет-солиқ сиёсати бюджет даромадлари истикболини белгилаш тамойилига асосланган иқтисодиётда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истикболларини тўғри ва аниқ белгилаш ва унга қаратилган вазифалар доирасида ишлаб чиқиладиган стратегиялар ҳамда амалга ошириладиган ислохотлар самарадорлигини таъминлаш бирмунча аниқ, қулай ва мақбул ҳисобланиши ҳам ўз исботини топмоқда.

Кўпгина ривожланаётган мамлакатлар томонидан ривожланган давлатларда бюджет-солиқ сиёсатини бюджет даромадлари истикболини белгилаш бўйича тўпланган кенг ва бой тажрибаларни чуқур ўрганиш ҳамда уларни миллий иқтисодиётга татбиқ этиш йўллари ишлаб чиқилмоқда.

Шу жумладан, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ҳам давлатнинг бюджет-солиқ сиёсатини белгилашда уларнинг истикболига асосланган прогнозларни ишлаб чиқишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эса, энг аввало, солиқ сиёсатининг истикболини белгилашнинг мазмуни, вазифалари, хусусиятлари, усуллари, самарадорлиги каби ўзига хос жиҳатларини англашни талаб қилади.

Хусусан, 2012 йилда ҳам мақсадга мувофиқ йўналтирилган чоратadbирлар натижасида бюджет даромадларининг харажатлардан ортиш ҳажми ЯИМнинг 0,4 фоизи даражасида бўлишига эришилди. Умуман олганда, давлат бюджети соҳасидаги бундай натижаларни қўлга киритишда мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич ислох этиш ва эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларни

хусусий секторга ўтказиш орқали давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги саноат йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатди¹.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, айнан бюджет-солиқ сиёсатини оқилона ташкил этилиши хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолиятини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакатимизда бюджет-солиқ сиёсатини оқилона ташкил этилиши, барча тармоқ ва соҳаларнинг самарали амал қилиши ҳамда уларнинг иқтисодий фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамия касб этади. Шунинг учун бюджет-солиқ тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мавзунинг долзарблигини кўрсатади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тадқиқот объекти. Бюджет-солиқ тизимини амалга оширишда юзага келадиган иқтисодий муносабатлар тадқиқотнинг предмети ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. МДИнинг мақсади мамлакатда иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ-бюджет сиёсатини амал қилиши ва унинг самарадорлигини оширишнинг назарий жиҳатларини ёритиш ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда бюджет – солиқ тизимининг аҳамиятини янада ошириш борасидаги назарий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ. - 2013. – 20 бет.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

Ø иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ юкини камайтириш ҳисобига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг фаоллигини оширишда солиқ-бюджет сиёсатини мазмунан ёритиш;

Ø кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттиришда тармоқларнинг самарали фаолиятини таъминлашга берилаётган солиқ имтиёзлари билан боғлиқ масалалар таҳлили;

Ø республикада солиқ-бюджет тизимини амалга оширишни ташкил этиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган ғазна ижросини ёритиб бериш;

Ø глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этишда солиқ-бюджет сиёсати ҳал қилувчи воситалардан бири эканлигини ёритиб бериш;

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Солиқ юкини камайтириш, бюджет даромадлари ва харажатларини мувофиқлаштириш ҳамда бюджет ғазна ижросини янада ривожлантириш асосида олинган хулосалар бюджет-солиқ тизимини такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида бюджет–солиқ сиёсатининг таъсири муаммолари тўғрисида кўплаб хорижий иқтисодчи олимларнинг фикрлари мавжуд бўлиб, ушбу масала бўйича А.Лаффер, Л.А.Дробозина, Б.А.Рагозин, К.Макконел, В.Г.Князев, Д.Г.Черник, В.М.Радионоваларнинг илмий ишлари алоҳида эътиборга лойиқ.

Ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан М.Ш.Шарифходжаев, М.И.Алимардонов, А.Ш.Бекмурадов, А.А.Набиходжаев, А.В.Ваҳобов, Ш.Ш.Шодмонов, У.В.Ғафуров, Э.Ф.Ғадоев, А.С.Жўраев, Ж.Р.Зайналов, Т.С.Маликов, Қ.А.Яҳёев, О.О.Олимжонов, Н.Ҳ.Ҳайдаров, Ш.А.Тошматов

ушбу муаммони тадқиқ этишда ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишган.

Тадқиқотда қўлланилган усулларнинг қисқача таснифи. Тадқиқот жараёнида статистик маълумотларини гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, танлама кузатиш, математик моделлаштириш ва прогнозлаш каби усуллар қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг асосий натижалари мамлакатда солиқ-бюджет тизимини янада мустаҳкамлаш, ривожлантириш ва жаҳон андозаларига мослаштиришга қаратилган. Ушбу мақсадларни амалга оширишда асосан иқтисодиётда умумий солиқ юкини камайтириш, кичик бизнес субъектларига солиқ имтиёзларини жорий этиш орқали уларнинг фаолиятини кенгайтириш ҳамда мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш каби устувор вазифаларни давомийлигини таъминлашда ўзининг ҳиссасини ошириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўзбекистонда амалга оширилаётган солиқ-бюджет тизимининг самарали фаолияти, бюджет соҳасида ғазна ижросининг муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳамда солиққа тортишнинг такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Улар қуйидагиларда намоён бўлади:

Ø кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттиришда тармоқларнинг самарали фаолиятини таъминлашга берилаётган солиқ имтиёзлари билан боғлиқ масалалар асосланган;

Ø республикада бюджет-солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш учун амалга ошириладиган чора-тадбирлар моҳияти илмий асосланган;

Ø глобал молиявий-иқтисодий инқирозга қарши курашиш ва унинг оқибатларини бартараф этишда бюджет-солиқ сиёсати ҳал қилувчи воситалардан бири эканлиги татбиқ қилинган;

Ø кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун берилаётган солиқ имтиёзлари ва солиқларни ундурш янада такомиллаштирилиши орқали уларнинг янада самарали фаолият юритаётганлиги илмий асосланган.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Тадқиқотнинг таркиби кириш, уч боб, хулоса ва тақлифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажмда 11 та жадвал, 9 та расм ва фойдаланилган адабиётлар сони 56 та.

I боб. Давлат бюджети ва солиқ тизимининг назарий асослари

1. Бюджет ва солиқлар тушунчалари уларнинг моҳияти

Жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий таркиби шаклланиши ва ривожланишида давлатнинг тартибга солиш функцияси муҳим рол ўйнайди.

Давлатнинг яхлит молиявий сиёсати молия тизимининг барча бўғинлари ягона қонунчилик асосида тегишли молиявий-иқтисодий шароитларнинг яратилиши билан тўлиқ амалга оширилиши лозим. Шу туфайли молиявий сиёсатнинг ихтиёрий соҳасига тегишли бўлган у ёки бу қарорнинг қабул қилиниши, бюджет тизимининг фаолиятининг асосларига маълум маънода тегишли бўлади.

Давлат бюджети орқали мамлакат миқёсида яратилган ялпи ички маҳсулот тақсимланиш жараёнида давлат ихтиёридаги марказлаштирилган пул фонди шакллантирилади.

Молия тизимининг бошқа бўлинмаларидан фарқли ҳолда, давлат бюджетида, икки тушунчанинг терминологик қўшилиши мавжуд:

1. Бюджет-иқтисодий (молиявий) категория сифатида;
2. Бюджет мамлакатнинг асосий молиявий ресурси сифатида².

Бюджетининг моҳияти фақат мамлакатнинг асосий молиявий режаси сифатида иқтисодий категория ва бюджетга хос бўлган хусусиятлар мажмуининг намаён бўлишидир.

Бюджет давлат даромадларининг асосий қисмини ўзида жамлайди ва давлатнинг ижтимоий - иқтисодий, сиёсий вазифаларини амалга ошириш учун зарурий пул маблағлари фондини ўзида акс эттиради.

Жамият тараққиётида хўжалик механизмнинг босқичма-босқич такомиллашиб бориши, давлатларни жамиятнинг ижтимоий - иқтисодий тизимидаги роли ортиши уларнинг ихтиёрида ижтимоий ишлаб чиқариш натижасида яратиладиган қўшилган қийматнинг бир қисми ҳисобига

² A.V. Vahobov, T.S. Malikov Moliya "Noshir" Toshkent – 2011yil. 287-bet.

доимий равишда пул ресурсларининг шакллантирилишини объектив зарур қилиб қўяди. Бундай давлат ихтиёридаги марказлаштирилган пул фондларининг асосий шакли бюджет бўлиб, бюджет давлатнинг асосий молиявий режаси ҳисобланади.

Бозор муносабатларига ўтилиши ва давлат бошқарувининг демократик тамойилларини шакллантириш асосларидан бири бўлган иқтисодиётни эркинлаштиришнинг ҳозирги шароитида макро ва микро даражадаги молиявий ресурслар оқимларининг барқарор механизмларини шакллантириш долзарб аҳамият касб этади. Молиявий ресурслар оқимларини мукаммаллаштириш иқтисодиётни ривожланишининг ўзаро нисбийлигини ва тенглигини таъминлайди, иқтисодиётнинг турли секторлари ва соҳалари ривожланиши ва самарали ишлашини, ҳамда бюджет даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги таъминланади.

Давлат бюджетининг моҳияти ҳам давлатнинг ихтиёрида марказлаштирилган пул жамғармалари ташкил этилиши ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун кенгайтирилган ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёни натижасида яратилган қийматни бир қисми ҳисобига марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш билан боғлиқ пул муносабатларини билдиради.

Иқтисодий категория сифатида, давлат бюджети-ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган ЯИМ ва миллий даромадни тақсимланиш жараёнида давлат ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари эҳтиёжлари учун зарурий марказлаштирилган пул фондларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ пул муносабатлари тизими ҳисобланади.

Ҳуқуқий категория сифатида, давлат бюджети - давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар

манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Бюджет муносабатлари – жамият иқтисодий тизимининг ажрамас қисми унинг амал қилиши давлат томонидан унга тегишли функцияларни бажариши учун зарурий молиявий базани шакллантириш билан объектив равишда аниқланади.

Шу ўринда бюджет тизимининг асосий бўғинлари бўлган маҳаллий ва республика бюджетларига қуйидагича таъриф беришимиз мумкин.

Маҳаллий бюджет – давлат бюджетининг тегишли вилоят туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади».

Республика бюджети – давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялашда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади». Қонуннинг ушбу моддасида шунингдек бюджет дотациясига, бюджет субвенциясига таъриф берилган.

Давлат бюджети орқали жамиятда яратилган ЯИМ қайта тақсимланади. Ялпи ички маҳсулотнинг қайта тақсимланиши жамиятдаги умумий эҳтиёжлар: маориф, соғлиқни сақлаш, мамлакатдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик, аҳоли таркибида ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, тинчлик, чегаралар дахлсизлигини сақлаш ва ғавқулодда ҳолатлар учун сақланадиган давлат захираларининг мавжуд бўлиш зарурати туфайли келиб чиқади. Шунингдек, давлат бюджет орқали давлат жамиятнинг ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир қилишнинг молиявий дастакларига эга бўлади. Давлат

бюджети давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида давлат ҳокимиятининг иқтисодий имкониятларининг молиявий асосини яратади.

Демак, бир томондан бюджетнинг пайдо бўлиши давлатларнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ бўлиб, иккинчи томондан, бозор иқтисодиёти шароитида жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларидаги давлат ислохотларини амалга оширишнинг асосий инструменти сифатидаги бюджетнинг сифат белгиларига аниқлик киритилади.

Бюджет-мураккаб иқтисодий категория ҳисобланади. Чунки унинг моддий асосини кенгайтирилган ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёни ташкил қилади. Бюджет соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида биринчи даражадаги вазифа унинг моддий мазмунини ўзида акс эттирувчи такрор ишлаб чиқариш нисбатлари бузилишига салбий таъсир этмаслиги лозим (ҳатто ҳар қандай кучли ижтимоий ҳимоя тизимларини шакллантиришга йўналтирилган бюджет сиёсатида ҳам). Акс ҳолда асосланмаган бюджет сиёсати натижасида ишлаб чиқариш жараёнидаги таназзуликларга олиб келинади ва охир оқибат давлат бюджети даромадлари шаклланишида ҳам муаммолар пайдо бўлади.

Бюджет муносабатлари давлат билан хўжалик субъектлари ҳамда аҳоли ўртасидаги қиймат тақсимланиши жараёнида пайдо бўлувчи молиявий муносабатлардир. Бундай молиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки биринчидан, юқорида таъкидлаганимиздек ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тақсимлаш босқичида вужудга келади, иккинчидан, марказлаштирилган молиявий ресурсларни шакллантириш ва ундан давлат манфаатлари юзасидан фойдаланишга йўналтирилади. Давлат манфаатлари эса-бу ижтимоий манфаатлар ҳисобланади. Машҳур макроиқтисодчи олим Ж.М. Кейнс таъкидлаганидек, “Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий манфаатлар фақатгина давлатлардагина ўз ифодасини топади”. Бюджет давлатнинг асосий марказлаштирилган

молиявий ресурслар фонди сифатида ўзига хос ижтимоий аҳамият касб этади.

Давлат билан корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва аҳоли ўртасида юзага келувчи молиявий муносабатлар бюджет муносабатлари ҳисобланади. Шунингдек, бюджет муносабатларининг молиявий муносабатлардан фарқли айрим жиҳатлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтишими мумкин:

Ў бюджет ёрдамида миллий даромаднинг бир қисми ва айрим ҳолатларда миллий бойлик халқ хўжалигининг тарморқлари, мамлакат ҳудудлари, ижтимоий фаолият соҳалари ўртасида қайта тақсимланади;

Ў қийматни бюджет орқали қайта тақсимлаш нисбати молиянинг бошқа бўғинларига нисбатан йирик миқдорни ташкил қилади ва кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва жамият ривожланишининг ҳар қайси тарихий босқичларида унинг ривожланиши олдидаги вазифалари орқали аниқланади;

Ў бюджетни тақсимлаш соҳаси давлат молиясида марказий ўринни эгаллаб, молиянинг бошқа бўғинларига нисбатан бюджет муҳим таркибий бўғин ҳисобланади ва ҳоказолар³.

Демак, бюджет иқтисодий моҳияти нуқтаи назаридан мустақил иқтисодий категория сифатида кўриб ўтиладиган бўлса, давлатнинг молиявий асосини, қонуний ўрнатилиши нуқтаи назаридан эса бюджет-давлатнинг асосий молиявий режаси сифатида кўриб ўтилади.

Солиқлар мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар (ҳуқуқий ва жисмоний шахслар) билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Корхона ва ташкилотлар аҳолига хизмат кўрсатганда, турли ишлар бажарганда ёки бозорда олди сотди қилганда пул тўловлари мавжуд.

³ Б.К. Тухлиев, Х.А. Курбонов, М.Ж.Бауетдинов, М.Б. Бижанова Давлат бюджети: Ўқув қўлланма – Т.: ТДИУ, 2010. - 67 бет.

Лекин улар солиқ бўла олмайди. Солиқ муносабати бўлиши учун давлат мамлакатда яратилган ижтимоий маҳсулот (ЯИМ) қийматини тақсимлаш йўли билан мажбуран давлат бюджетига маблағ тўплаш жараёнига амал қилади.

Солиқлар мажбурий тўловларни ифода этувчи пуллик муносабатларни билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар билан уларни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Давлат учун бюджет даромадларининг асосий манбаси ҳисобланган солиқлар катта аҳамият касб этади. Солиқлар тўғрисидаги қарашлар тарихан объектив ва субъектив омиллар таъсирида шаклланган.

Солиқлар қадимги даврлардан эътиборан олинган, аммо у вақтларда солиқлар озод ва эркин бўлмаган кишининг белгиси бўлиб хизмат қилган. Адам Смит (Шотланд файласуфи ва иқтисодчиси 1723-1790) ўзининг “Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари” (1776) илк бор солиқ тамойилларини кўрсатиб берди, солиқларнинг аҳамиятини ёритиб, уларни давлатга тўлаш қуллик эмас, балки эркинлик аломати эканлигини асослаб берди.

Солиқ - давлат томонидан даромадларнинг бир қисмига (тўғридан-тўғри) эгалик қилиш ҳуқуқи бўйича корхоналар, муассасалар ва аҳоли тўлайдиган мажбурий йиғимлар.

Солиқларни ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, уларга қуйидагиларни келтириш мумкин:

Ø солиқ ва йиғимлар мажбурий тавсифга эга бўлган пул тўловлари бўлиб, бунда давлат солиқ тўловчининг даромадини мажбурий тўлов сифатида бюджет даромадлари сифатида марказлаштиради.

Ø солиқлар хазинага - давлат бюджетига тушади. Солиқлар давлат эҳтиёжлари учун тақсимланадиган миллий даромаднинг маълум бир қисмидир. Солиқлар воситасида жисмоний ва юридик шахсларнинг пул даромадларининг маълум бир қисми умумжамиyat аҳамиятига эга бўлган

эхтиёжларни молиявий таъминлаш учун давлат ихтиёрида марказлаштирилади.


Ø солиқлар қатъий белгиланган ва доимий ҳаракатда бўлади. Солиқлар тизимлаштирилган ҳолда ундирилади ва улар узок давр мобайнида барқарор равишда хўжалик механизмнинг алоҳида элементи сифатида амал қилади.

Ø давлатга тўланган солиқ суммаси тўловчининг ўзига манзилли равишда тўлиқ қайтмайдиган эквивалентсиз пул тўловидир. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар давлатнинг кўзга кўринмайдиган хизматлари учун тўланадиган ҳақдир яъни (Миллий хавфсизлик, ҳуқуқий тартибга солиш, сиёсий ҳокимият фаолияти, ижтимоий - иқтисодий инфратузилма тизимларини шакллантириш ва бошқалар).

Солиқларнинг моҳияти солиқ тўловчилар билан давлат ўртасидаги доимий, узок муддатли муносабатларда ўз ифодасини топади.

Солиқларнинг объектив зарурлиги - давлатнинг бажарадиган қатор функцияларини маблағ билан таъминлашнинг зарурлигидан келиб чиқади. Давлатнинг жамиятдаги бажарадиган вазифалари кўп бўлиб, бозор иқтисодиёти ривожлана бориши билан баъзи вазифалар йўқола борса, баъзиларига эҳтиёж туғилиши натижасида пайдо бўлади.

1.1.1 - расмга кўра солиққа тортиш объекти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи ҳамда харажатлари объект бўлиб, ҳисобланади. Солиқларни ундириш усуллари бўйича 2 турга бўлинади. Бевосита ва билвосита. Бевосита солиқларга даромад, мулк солиқлари киради. Билвосита солиқларга акциз, ққс ва божхона божлари киради. Билвосита солиқларни тўловчилар истеъмолчилар ҳисобланди. Солиқ миқдорини белгилаш бўйича пропорционал, прогрессив ва регрессив солиқларга бўлинади. Умуман ҳар бир солиқ тури ўзининг иқтисодий хусусияти ва амал қилиш механизмлари бўйича алоҳида аҳамиятга эга.



1.1.1-расм. Солиққа тортиш объекти, солиқларни ундириш усуллари, солиқ миқдорин белгилаш усуллари⁴.

⁴ Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Оборотдан олинадиган солиқларга қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона ва ер ости бойликлари қийматидан олинадиган солиқлар киради. Лекин, оборот тушунчаси бизнинг қонунчилигимиз бўйича илгаригидек маҳсулот реализацияси оборот эмас, балки маҳсулотни юклаб юборган қиймат билан ўлчанади.

Даромаддан олинадиган солиқларга ҳуқуқий шахсларнинг даромадига (фойдасига), жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ, савдо ташкилотларининг ялпи даромадидан солиқлар ва бошқалар киритилади.

Бу гуруҳ солиқларга ижтимоий ободонлаштириш ва инфратузулмани ривожлантириш солиғи ҳам киритилади.

Мол - мулк қийматидан олинадиган солиқларга мол - мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланиш солиғи бошқалар киради.

Ўзбекистонда солиққа тортиш тизими ўз мазмунига кўра солиқ элементлари, уларни ташкил қилиш томойиллари ва усуллари ўрганади. Солиқ элементларига қуйидагилардан иборат:

1) Солиқ субъекти –бу солиқ мунособатларида қатнашувчи солиқ тўловчилардир. Улар юридик ва жисмоний шахсларга бўлинади. Солиқ мунособатларида фақат солиқ тўловчиларгина эмас балким, солиқ ундирувчи (солиқчи) ҳам қатнашади. Солиқни давлат ундиради, яъни давлат номидан махсус ташкилот қатнашади. Бу ишни Давлат солиқ қўмитаси бажаради. Солиқларни тўғри ҳисоблаш, тўлиқ тўлаш жавобгарлиги солиқ тўловчи субъектга юклатилади.

2) Солиқ объекти – бу солиқ солинадиган даромад, оборот ёки мулк ҳисобланади. Унга фойда, иш ҳақи, қўшимча қиймат, ер, мулк кабилар киради. Объект доимо субъект билан боғлиқ ва субъектга қарашли бўлади.

Солиқ субъектисиз объект бўлмайди. Масалан ҚҚСда объект орттирилган маҳсулот оборотидир, даромадга солинадиган солиқда даромад, мол-мулк солиғида мулк қиймати, ер солиғида ер майдони ва ҳоказолар.

3) Солиқ манбаи - бу субъектнинг даромадидир. Баъзи солиқларда даромад ва фойда ҳам объекти, ҳам солиқ манбаи бўлади. Лекин бошқа солиқларда объектлар ҳар хил, манба эса даромад ҳисобланади.

4) Солиққи тортиш бирлиги - бу объектнинг ўлчов бирлигидир. Бу даромад солиғида сўм, ер солиғида квадрат метр ва ҳоказолар билан белгиланади.

5) Солиқ ставкаси - Объектнинг ҳар бир бирлиги учун давлат томонидан белгилаб қуйилган меъёрлар солиқ ставкаси дейилади. Солиқ ставкалари икки хил усулда ифодаланади: қатъий ва нисбий ставкалар. қатъий ставкалар бу пул бирлигида ифодаланган ставкалар бўлса (сўм, рубль, ва ҳ.к.), нисбий ставкалар фоизларда (%) акс эттирилади. Бозор иқтисодиётга ўтиш ва инфляция шароитида нисбий ставкаларни қўллаш мақсадга мувофиқдир. Агар ставка сўмларда ҳисобга олинса, солиқлардан тўшган бюджет даромади йил охирига келиб ҳеч қандай иқтисодий аҳамиятга эга бўлмай қолиши мумкин. Солиқ ставкалари усулларида ташқари, Ўзбекистонда солиқ қонунчилиги бўйича солиқ ставкаларини қуйидаги турлари мавжуд:(1.1.1-расм)


- Ø пропорционал;
- Ø прогрессив;
- Ø регрессив ставкалар;
- Ø нолли.

Пропорционал солиқ ставкасида объект қандай бўлишидан қатъий назар бир хил улушдаги солиқ тўланади. Масалан; ҚҚС бўйича оборот 10 минг сўм бўлса ҳам, 100 минг сўм бўлса ҳам, 1 млн сўм бўлса ҳам 20% солиқ олинади. Ёки юридик шахсларнинг асосий фондларини қиймати

қандай бўлишидан қатъий назар ундириладиган мол-мулк солиғи 3,5 % ташкил этади.

Прогрессив солиқ ставкада эса даромад объекти кўпайиши билан солиқ ставкаси ҳам ошиб боради. Бу солиқ ставкаси мамлакатимизда фақат жисмоний шахслар даромадидан солиғда ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда солиқ тизими тузилмаси



1.1.2 – расм. Ўзбекистонда солиқ тизими тузилмаси⁵

Регрессив солиқ ставкалар даромад ошиб бориши билан солиқ ставкалари камайиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришни талаб

⁵ Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

этади. Четга экспорт товарлар чиқариб, қатъий валюта тушумига эришганлар иқтисодий жиҳатдан қизиқтирилади, яъни жами ишлаб чиқарилган маҳсулот сотишдан тўшган даромаддан озод қилинади. Бу 2000 йилнинг 1 июльдан бошлаб кучга кирган.

Нолли ставкалар солиқларни ташкил этишни чет эл тажрибасига мослаштириш мақсадида ҚҚС бўйича яъни экспортга товарлар юборганда, қишлоқ хўжалиги учун ёқилғи - мойлаш материаллари ва ўғитлар жўнатганда ҳамда элчихоналар ва ваколатхоналарга товарлар ортиганда солиқ тортиш нолли ставкада белгиланди. Шу маҳсулотлар бўйича солиқ тўламаслик жорий этилди.

Республикамизда шакллантирилган солиқ тизими жаҳон амалиётида умумий қабул қилинган тизимлар билан уйғунлаштирилган ҳолда шакллантирилган. Шунингдек, миллий солиқ тизимимиз ҳалқимизнинг узок йиллар мобайнида шаклланган миллий анъаналари, миллий қадриятларимиз билан ҳам бойитилган.

Солиқларнинг мазкур туркумланиши, уларнинг турли даражадаги бюджетлар учун даромад манбаси сифатида бириктирилишига асосланади. Умумдават солиқлар Республика бюджетининг даромадлар манбаси ҳисобланувчи солиқлардир. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетларнинг даромадлари манбаси ҳисобланувчи солиқлардир. Солиқларнинг бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши уларнинг турли даражадаги бюджетларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш имкониятларига асосланади.

2. Солиқлар ва давлат бюджетининг функциялари ва вазифалари

Маълумки, мамлакат молиявий сиёсатида асосий ўринлардан бирини солиқлар эгаллайди. Ҳукумат қонунчилиги асосида белгиланган солиқларни ўз вақтида ва тўлиғича ундириб олишлик давлат бюджети даромадларининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга. Солиқлар ўзининг

асосий функциялари орқали солиқларнинг ундирилувчанлигига таъсир кўрсатади.

Давлат ўз вазифаларини амалга ошириши жараёнида солиқлар ва бюджет тизимларининг функциялари ва вазифалари алоҳида аҳамият касб этади. Шундай қилиб, иқтисодий категория сифатида солиқлар қуйидаги функцияларни бажаради:

Ø фискал;

Ø тартибга солувчи;

Ø рағбатлантирувчи;

Ø назорат;

Ø солиқларни ҳисоблаш жараёнини ахборот билан таъминлаш функцияси;

Солиқларнинг фискал(хазина) функцияси-давлат бюджети даромадларининг асосий манбаси сифатидаги хусусиятларига асосланган. Аммо ҳаддан зиёд даромадларни марказлаштиришга йўналтирилган солиқларнинг фискал функцияси иқтисодиётни издан чиқишига олиб келади. Айрим иқтисодчилар, солиқларнинг хазина функциясини тўлиқ ва кенг маънода тақсимлаш функцияси, деб эътироф этишади.

Солиқлар ўзининг иқтисодий моҳияти, бюджетга келиб тушиш хусусияти, солиқ тўловчиларнинг хусусиятлари бўйича таснифланади. Масалан, иқтисодий моҳияти бўйича эгри ва тўғри солиқларни туркумлашимиз мумкин. Бизга маълумки, солиқларнинг асосий манбаси янгидан яратилган қиймат ва бирламчи тақсимлаш жараёнида ҳосил бўладиган даромадлар: фойда, иш ҳақи, қўшилган қиймат, ссуда фоизи, рента ва дивидендлар ҳисобланади. Юқоридагиларга асосланган ҳолда амалдаги солиқ тизимида бир қатор солиқлар амал қилади.

Солиқларнинг тартибга солиш функцияси – бозор иқтисодиёти шароитида ушбу функция муҳим ҳисобланади. Давлат солиқлар орқали товарлар, хизматларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг иқтисодий шарт-

шароитларини тартибга солади ва бу билан иқтисодиёт тармоқларининг иқтисодий фаолиятини амалга ошириш учун муайян солиқ муҳитини яратади. Ушбу функция орқали давлат солиқ тизимига таъсир кўрсатади, яъни муайян тармоқда ишлаб чиқариш суръатларини рағбатлантиради ёки жиловлайди, шунингдек, аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтиради ёки камайтиради.

Солиқларнинг рағбатлантириш функцияси – солиқ тизимининг энг муҳим функцияларидан ҳисобланиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, моддий хомашё ресурслари, шунингдек, молиявий ва меҳнат ресурслари, жамғарилган мол-мулкдан самарали фойдаланишга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатади, яъни солиқ юкини камайтириш орқали ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Шунингдек, молиявий аҳволни яхшилайти, инвестиция фаолиятини жонлантиришга рағбат яратади.

Солиқларнинг назорат функцияси – солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган, солиққа тортиш объекти, солиққа тортиладиган база, имтиёзлар ва бошқаларни тегишли солиқ кўрсаткичларини ҳисоботларини текширишда анча мураккаб жараён сифатида қаралади. Солиқ ҳисоби солиқ идораларига белгиланган солиқ ҳисоби шакллари орқали тўловчилар ўзларининг солиқ мажбуриятларини қандай бажараётганликларини янада самарали назорат қилиш имконини беради.

Солиқларни ҳисоблаш жараёнида ахборот билан таъминлаш функцияси-ушбу функция орқали харажатлар ҳажми ва конкрет солиқ тушумлар давлатнинг қандай ижтимоий – иқтисодий функцияларини бажаришга сарфланганлиги тўғрисида ахборот бериб бориш муҳимдир⁶.

Солиқларнинг функцияларини кўриб чиқиб қуйидаги хулосага келишимиз мумкин. Бозор иқтисодиётида солиқ молия ресурсларини жамлаш, хўжалик фаолиятини тартибга солиб туриш ва даромадларни ижтимоий аҳамиятга молик мақсадларга қайта тақсимлаш юзасидан муҳим

⁶ А. Vahobov, А. Jo'rayev "Soliq va soliqqa tortish" "Sharq" Nashriyoti-matbaa Aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati Toshkent-2009

вазифаларни бажарди. Пухта ишлаб чиқилган, аниқ амал қиладиган солиқ тизими ижтимоий йўналтирилган самарали бозор иқтисодиёти ривожлантиришнинг асосий омили эканини кўришимиз мумкин.

Бюджетнинг иқтисодий категория сифатидаги моҳияти унинг функцияларида яққолроқ намоён бўлади.

Бюджет - молия соҳасида қатор илмий ишларни амалга оширган профессор Г. Романовский бюджетнинг бажарадиган функциялари сифатида бюджет фондини шаллантириш, бюджет фондидан фойдаланиш ва назорат каби элементларни талқин қилади.

Моҳиятига кўра давлат бюджети мамлакат молия тизимининг таркибий қисми бўлиб, шунга мос равишда молия тизимига доир барча белги(хусусият)ларга эга ва унга тегишли бўлган барча функцияларни бажаради.

Ягоналик ва юқори даражада марказлашув давлат бюджетининг муҳим хусусиятларидандир. Турли маъмурий-ҳудудий бюджетлар кўплигига қарамасдан, уларнинг барчаси қуйи бўлинмаларнинг юқори бўлинмаларга кетма-кет бўйсинишига риоя қилган ҳолда ягона давлат бюджетига бирлашади.

Шунингдек, ҳозирги шароитда бюджет воситасида миллий даромаднинг сезиларли қисми қайта тақсимланиб, молиянинг бошқа ҳеч қайси бўғини тармоқлар, ҳудудлар ва иқтисодиётнинг соҳалари, давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий даражаларида маблағларни бундай йирик миқдорда қайта тақсимлаш имкониятига эга эмасдир.

Бозор муносабатлари шароитларида миллий даромаднинг тақсимланиши пул даромадлари ва жамғармаларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш воситасида амалга оширилади. Бундай даромадларга аввало давлат даромадлари, корхона ва ташкилотлар даромадлари, турли тижорат таркиблари, молиявий институтлар ҳамда аҳоли даромадлари киради.

Миллий даромадни сезиларли қисми давлат, хусусий ва тижорат корхоналари даромадларини солиққа тортиш воситасида бюджет фондига тўғридан-тўғри тақсимлаш йўли билан келиб тушади. Аҳолини соф даромадларининг бир қисмини бюджетга қайта тақсимлаш тартибида келиб тушади.

Бюджетга таъсир кўрсатувчи объектив омилларга жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатлари ва жамиятнинг ривожланиш даражаси, миллий даромаднинг қай даражада тақсимланиши каби омиллар киради.

Субъектив омилларга эса давлатнинг шакли, ўтказилаётган ислохотлар ва сиёсат йўналишлари киради.

Бюджет даромадлари ва харажатлари ижтимоий тузумларда турли кўринишларга эга бўлган. Собиқ социалистик тузумдаги бюджет муносабатларини кўздан кечирадиган бўлсак, бюджет даромадлари давлат корхоналарининг фойдасидан ажратмалар ва давлат мулкидан келадиган даромадлар ҳисобига шаклланади. Бундай ҳолат молия - бюджет тизимини бошқаришда иқтисодий механизмлардан фойдаланиш имкониятини бермай қўяди, яъни унда хўжалик субъектларининг манфаатдорлиги паст бўлиб турли имтиёзлар ва рағбатлантиришларнинг фойдаси унчалик бўлмайди.

Мустақиллик йилларидаги иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида шакллантириш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқаришни тартибга солиш ва миллий даромад тақсимланишида бюджетнинг ҳам роли ўзгарди.

Бозор иқтисодига ўтиш ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида туб ислохотларни амалга оширишни талаб қилади, шу жумладан иқтисодий соҳада бозор муносабатларининг ташкил топиши, турли мулкчилик шаклланиши, ўтиш даврида Ўзбекистон Республикасининг олдида макроиқтисодий барқарорликка эришиш, Ўзбекистонни дон ва ёқилғи – энергетика мустақиллигига эришиш масалалари, халқ хўжалигида чуқур тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш лозимлиги, аҳолининг кам

таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш иқтисодий ислохотларнинг гарови эканлиги, буларнинг барчаси бюджет ва молия сиёсатида тубдан ўзгаришлар қилишни талаб қилади ва давлат бюджети харажатлари тузилишини белгилайди.

Давлат бюджети орқали миллий даромаднинг бир қисми тақсимланиши жамият ижтимоий ҳаётининг ишлаб чиқариш ва схи́змат кўрсатиш соҳалари тармоқлари ўртасида маблағларни тақсимлаш йўли билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва жамиятнинг бошқа ялпи эҳтиёжларини қондириш учун марказлаштирилган пул маблағлари фондини шакллантириш зарурати билан боғлиқдир.

Давлат бюджетининг функциялари тўғрисида иқтисодчи олимлар ўртасида турли мунозаралар мавжуд.

Л.А. Дробозина Давлат бюджетининг моҳиятини ёритишда унинг қўйдаги функцияларини кўрсатиб ўтади:⁷

- Ў ЯИМ қийматини қайта тақсимлаш функцияси;
- Ў назорат функцияси;
- Ў иқтисодиётни бошқариш функцияси;
- Ў ижтимоий функцияси.

ЯИМ қийматини қайта тақсимлаш функцияси ЯИМ тақсимотида исътемо́л ва жамғарма фондлари ташкил этилади ва бу тақсимо́т жараёнида исътемо́л фонди тахминан 75 фоизини ташкил этади. ЯИМ қайта тақсимо́ти қўйдаги объектлар ўртасида амалга оширилади:

- Ў Ишлаб-чиқариш ва ноишлаб-чиқариш соҳалари ўртасида;
- Ў иқтисодий ҳудудлар ўртасида;
- Ў давлат билан аҳолии ўртасида.

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳалари ўртасидаги тақсимо́ти, ЯИМ асосан, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда тижорат асосида фаолият юритадиган ноишлаб чиқариш

⁷ Л.А. Дробозина «Финансы» М.:»ЮНИТИ» 2005. стр.111.

соҳаларида (тижорат бошқармалари, алоқа, транспорт ва бошқалар) шаклланади. Давлатни иқтисодий ривожланишини таъмирлаш учун ноишлаб чиқариш соҳаларига харажатлар қилинади. Соғлиқни сақлаш, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, мутахассис кадрларни таёрлаш, мамлакат мудаффа қобилиятини мустаҳкамлаш ва бошқа харажатлар марказлашган тартибда (давлат миқёсида) амалга оширилади. Шунинг учун, ЯИМ бир қисми Давлат бюджетининг харажатлар тизими орқали ЯИМ яратмайдиган соҳаларга қайта тақсимланади. Шунингдек, бюджет орқали ЯИМ тармоқлар, бирлашмалар, корхоналар ўртасида қайта тақсимланади. Бундай зарурият мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш режасидан келиб чиқади.

Иқтисодий ҳудудлар ўртасидаги тақсимоти табиий ва меҳнат ресурсларининг мамлакат миқёсида нотекис тақсимланганлиги айрим ҳудудларга давлат томонидан махсус иқтисодий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш заруриятини келтириб чиқаради. Бунда марказлашган давлат даромадларидан, хусусан Давлат бюджетидан маҳаллий бюджетларга трансфертлар ажратилади. Масалан, Қорақалпоғистон Республика бюджетига экологик ва ижтимоий вазиятни яхшилаш мақсадида Давлат бюджетидан турли трансфертларнинг ажратилиши.

Давлат ва аҳоли ўртасидаги тақсимот. Аҳолидан олинадиган солиқлар ёрдамида давлат орқали ЯИМ маълум қисмини қайта тақсимлаш амалга оширилади. Бунда кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш заруриятларини ва бошқа умумдавлат талабларини кондиритиш мақсадида аҳоли даромадларининг маълум қисми шахсий мулкчилигидан умумийликка ўтиши содир бўлади. Бундан ташқари, аҳолининг алоҳида табақаларига турли хил қулайликлар яратилади. Бюджет маблағларини оқилона йўналишларда сарфланиши ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жадаллаштирилади, илмий техника ютуқларини ҳаётга жорий қилиш имкониятларини кенгайтиради.

Назорат функцияси ёрдамида давлат пул маблағи фондини ташкил этиш ва ундан фойдаланишда иқтисодий таркибий бўғинларидан келиб чиқадиган иқтисодий жараёнларини ўзида акс эттириши билан амалга оширилади. Шунингдек, бюджет кўрсаткичларини кузатиш орқали иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни боришини, кўзда тутилган режадан амалдаги четга чиқишларни кузатиб, ҳукумат оператив қарорлар қабул қилиши мумкин бўлади.

Иқтисодий бошқариш функцияси. Бозор иқтисодиётига асосланган бошқарув шароитида, асосий ишлаб чиқариш кучлари хусусийлаштирилган. Лекин шундай иқтисодий тармоқлар, корхоналар ҳам мавжудки, уларни бюджет томонидан молиялаштириш, мамлакатни иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлайди. Бюджет механизмлари орқали иқтисодий бошқариш давлат ихтиёрига келиб тушадиган пул маблағларини меъёрлаштириш орқали амалга оширилади.

Кўпгина иқтисодчи олимларнинг фикрича, давлатни иқтисодиётга аралаштириш иқтисодиёт ривожланишда муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий соҳага ажратилган бюджет маблағларини асосий йўналишлари – ижтимоий соҳа, марказлашган инвестициялар, ижтимоий инфратузилмаларни молиялаштириш ва бошқаларга сарфланмоқда.

Ижтимоий функция – жамият ишлаб чиқариши ривожланишининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида инсон омилига асосий эътибор берилмоқда.

Жамиятда ноишлаб чиқариш соҳаларни маблағ билан таъминлаш, яъни молиялаштириш бюджет орқали амалга оширилади. Мактабгача тарбия муассасалари, мактаблар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш ва спорт муассасалари, фан ва маданиятни ривожлантиришда бюджетнинг аҳамияти ортмоқда.

Мустақиллик йилларида Давлат бюджети иқтисодий ислохотларни амалга оширишда давлатнинг асосий молиявий қуроли сифатида йирик

инвестицион лойҳаларни молиялаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш, янги иш ўринларини барпо қилиш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлашдаги аҳамияти кучайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг вазифалари ўзгариши бюджет муносабатларини ташкил қилиш жараёнида ўз аксини топади. Умуман давлатнинг иқтисодиётга фаол аралашувини қисқартириш ва иқтисодиётдаги тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш шароитида бюджетнинг ЯИМга нисбатан салмоғи қисқариб бормоқда. Амалдаги бюджет ислохотлари иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни амалга ошириш жараёнида устувор соҳаларни қўллаб - қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш учун қулай молиявий иқтисодий имкониятлар яратиш, миллий иқтисодиётнинг экспорт салоҳиятини оширишга қаратилмоқда.

3. Ўзбекистонда давлат бюджет-солиқ тизимининг ривожланиш босқичлари

Бюджет соҳасини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида асосий вазифа мустақил давлатнинг ўз бюджет тизимини шакллантиришдан иборат бўлган. Бу, биринчи навбатда, барқарор даромадларни шакллантириш ва давлат бюджетининг зарур харажатларини молиялаштиришни таъминлайдиган мустаҳкам қонуний ва меъёрий асос яратилишини талаб қилар эди. Ушбу мақсадда “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бир қанча бошқа қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари тасдиқланган. 2000 йилда “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, унда давлат харажатларини режалаштириш, унинг ижроси ва назорати жараёнлари аниқланиб, турли вазирлик ва идоралар, республика ва маҳаллий бошқарув идораларининг роли ва масъулият соҳалари аниқ чегараланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими 2 бўғиндан иборат бўлиб:

Ø Республика бюджети ва бюджетдан ташқари фондлар;

Ø Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлар.

Ўзбекистон Республикаси бюджетининг ташкилий - таркибини қуйидаги (1.3.1-расмда) яққолроқ кўришимиз мумкин:

Мамлакат иқтисодиётини секин-аста ўзгартириш ва эркинлаштириш, бир қанча давлат вазифаларини хусусий секторга топширилиши давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, саноат янги йўналишларининг ривожини ва хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, ҳамда мамлакат иқтисодиётида унинг роли ва улушини ошириши мамлакат Давлат бюджети даромадларини бир неча баробар кўпайтирди.



1.3.1-расм. Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими.⁸

Мамлакатимизда олиб борилаётган бюджет-солиқ сиёсатини бугунга қадар такомиллашиб ҳамда мувофиқлашиб келгунига қадар даврни уч босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

Бюджет-солиқ сиёсати ривожланишининг биринчи босқичи:

Биринчи босқич мустақилликка эришганимиздан бошлаб, 1994 йилгача бўлган даврни ўз ичига қамраб олиб, миллий давлат молияси тизимининг шаклланиш даври бўлиб ҳисобланади. Бу босқич миллий даромаднинг катта қисми давлат бюжетида мужассамлаштирилиб, давлатнинг миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашдаги етакчи ўрни билан тавсифланади.

⁸ Маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Бу даврда солиқ ва бюджет сиёсати миллий иқтисодиёт пойдеворини шакллантиришга, ишлаб чиқаришнинг янги тармоқларини ривожлантиришга ва самарали ижтимоий ҳимоя тизимини яратишга қаратилган эди. Жумладан ун, шакар, гўшт, сут, чой, гуруч ва бошқа ижтимоий аҳамиятга молик бўлган товарлар учун давлат бюджетидан катта миқдордаги дотацияларнинг ажратилиши билан истеъмол нархлари кескин ошишининг олди олинди, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларининг эҳтиёжлари қондирилди ва жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашга қадам қўйилди.

Бюджет –солиқ сиёсати ривожланишининг иккинчи босқичи:

Иккинчи босқич 1994-1999 йилларни ўз ичига олиб, солиқ ва бюджет тизимининг барқарорлашуви ва тузилмавий жиҳатдан ривожланиши, ҳамда бюджет ижросининг халқаро андозаларга ўтилганлиги билан тавсифланади. Бунда бюджет ижросининг миллий валюта - сўмда амалга оширилиши ва Солиқ кодексининг қабул қилиниши натижасида давлат молияси тизими моҳиятидан янги мазмун ва шаклга эга бўлди.

Солиқ сиёсатининг фундаментал масалалари бўлган солиқ турлари ва ставкалари, умумдавлат ва маҳаллий солиқлар таснифланиши, солиққа тортиш методологиясининг асослари ва бошқа умумиқтисодий масалалар Солиқ кодексида аниқ ва равшан белгилаб берилди. Натижада, Ўзбекистон Республикаси халқаро экспертлар текширувидан ўтган замонавий солиқ сиёсатининг барқарор ҳукуқий пойдеворига эга бўлди.

Ўз навбатида Солиқ кодексида миллий ва хорижий ишлаб чиқарувчилар учун бир қатор имтиёзлар белгилаб берилди. Бу имтиёзлар қуйидаги мақсадларга қаратилди:

- Ø Ички бозорда истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- Ø Экспортга мўлжалланган товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;

- Ø Қўшилган қиймат солиғидан озод этиш ва ягона ер солиғини жорий қилиш орқали қишлоқ хўжалигининг мамлакат иқтисодиётидаги алоҳида ўрнини таъминлаш;
- Ø Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш;
- Ø Хорижий сармояларни жалб қилиш учун қулай молиявий шарт-шароит яратиш ва бошқалар.

Харажатлар нуктаи назардан, давлат бюджетининг таркиби такомиллаштирилди, харажатларнинг ижтимоий йўналганлиги кучайди, кўплаб турдаги харажатларни дастурлар асосида молиялаштиришга ўтилди, маҳаллий бюджетларнинг роли ошди ва бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ноинфляцион услублари амалга татбиқ этилди.

1994-1999 йилларни қамраб олган давлат молияси ривожининг иккинчи босқичига хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг солиқ ва бюджет сиёсати ўзининг самарадорлигини ҳаётда кўрсатди, мўътадил солиқ сиёсати ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ўсишига асос бўлди, оқилона бюджет сиёсати эса мамлакатда макроиқтисодий барқарорликка эришишнинг молиявий пойдевори бўлди ва қолаверса аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг ишончли манбаига айланди.

Бюджет-солиқ сиёсатининг ривожланишининг учинчи босқичи:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ XIV сессиясидаги ва иккинчи чақириқ I сессиясидаги маърузаларида белгилаб берилган жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳаларини эркинлаштиришга қаратилган бош стратегияси давлат молияси ривожининг учинчи босқичини бошлаб берди.

Шунга биноан, солиқ ва бюджет сиёсатининг истиқбол йўналишлари деб қуйидагилар белгилаб олинди:

Ø Иқтисодиётда давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик функцияларини қисқартириш;

Ø Инфляцияни босқичма-босқич камайтириш ва уни йилига 6-8 фоизгача тушириш;

Ø Аҳоли даромадларининг узлуксиз ошишини таъминлаш;

Ø Аҳолини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш тадбирларини изчиллик билан амалга ошириш ва бошқалар.

Шуларга кўра, 2000 йилнинг ўзидаёқ, солиқ сиёсатига бир қатор ўзгаришлар киритилди. Хусусан, юридик шахслар учун фойда (даромад) солиғи ставкаси 33 фоиздан 31фоизгача, аҳоли даромадларига солиқнинг энг юқори ставкаси 45 фоиздан 40 фоизгача пасайтирилди. Ҳозирда 2013 йилда ушбу солиқ ставкалари мос равишда 9 фоизни ва 22 фоизни ташкил этмоқда.

Экспортга маҳсулот чиқаришни рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқариш корхоналарининг бевосита ўз маҳсулотини экспорт қилишдан оладиган даромадлари фойда солиғидан (кичик корхоналар ягона солиқ бўйича) озод қилинди. Шу билан бирга, ишлаб чиқарилаётган жами маҳсулотнинг 25 фоиздан 50 фоизгача қисми экспортга жўнатилган тақдирда мулк солиғининг ярми тўланади, маҳсулотнинг 50 фоиз ва ундан ортиқ қисми экспорт қилинганда эса корхоналар ушбу солиқдан бутунлай озод қилинадилар.

Шу билан бирга, молия бозорини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодиётга йўналтирилаётган кредитлар миқдорини ошириш мақсадида давлат қимматли қоғозларини сотишдан тушадиган маблағларни жалб қилиш бюджет лойиҳасида кўзда тутилмаган.

Кейинги йилларда бюджет- солиқ тизимидаги ислохотларнинг ижобий пировард натижалари сифатида 2005-2012 йилларда давлат бюджетининг профицит билан ижроси таъминланганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, инфляция жараёнининг меъёридаги даражасини

таъминланиши ислоҳотларни ҳозирги шароитида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг натижалари ҳисобланади.

Демак, юқоридаги маълумотларни ўрганиш мобайнида мамлакатимизнинг солиқ ва бюджет тизимини амалга оширишда ўрта Осиё мамлакатлари ҳамда ривожланаётган мамлакатлар ичида ўзининг ривожланиш босқичлари ва ушбу соҳада амалга оширилаётган чуқур ўйланган ислоҳотлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини бериб келаётганлигини ҳозирги кунда мамлакатимизнинг юқори иқтисодий ўсишга эришиб келаётганлигидан кўришимиз мумкин.

Шунингдек, мамлакатимизнинг ушбу соҳалари орқали иқтисодий ривожланишни таъминлаш юзасидан ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга ҳам тур хилдаги рағбатлантиришлар ва имтиёзларнинг берилаётганлиги ҳам ушбу солиқ ва бюджет тизими мамлакатнинг асосий таянч бўғинлари қаторидан ўзининг мустаҳкам ажралмас ўринга эга эканлигини кўришимиз мумкин.

I-боб бўйича хулоса

I-бобга хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, солиқларнинг моҳияи ва уларнинг турлари, вазифалари, ва иқтисодиётдаги ўрни, шунингдек, давлат бюджети моҳияти, бюджет даромадлари ва харажатлари, бюджетнинг функциялари ҳамда мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги давлат бюджетини шакллантириш босқичлари ва шу каби солиқ ва бюджет тизимига оид назарий маълумотлар келтирилди.

Солиқ ва бюджет тизими мамлакат иқтисодиётини барқарор иқтисодий ўсишини таъминловчи кўрсаткичлардан эканлиги келтирилган. Шунингдек, мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминланганлиги ҳам ушбу солиқ ва бюджет тизимини кўрсаткичларида яққол кўринади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда мамлакатимизда ушбу тизимларнинг мустаҳкам назарий асослари яратилаётганлиги фикримизнинг далилидир.

Демак, юқоридаги маълумотларни ўрганиш мобайнида мамлакатимизнинг солиқ ва бюджет тизимини амалга оширишда ўрта Осиё мамлакатлари ҳамда ривожланаётган мамлакатлар ичида ўзининг ривожланиш босқичлари ва ушбу соҳада амалга оширилаётган чуқур ўйланган ислохотлар бугунги кунда ўзининг ижобий натижаларини бериб келаётганлигини ҳозирги кунда мамлакатимизнинг юқори иқтисодий ўсишга эришиб келаётганлигидан кўришимиз мумкин.

II боб. Ўзбекистонда амалга оширилаётган солиқ ва бюджет тизими кўрсаткичлари таҳлили


1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда солиқ ва бюджет тизимининг роли

Юртимизда ўтказилаётган иқтисодий сиёсат жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига интеграция жараёнининг фақат давлатнинг таркибий тузилиши бўйича эмас, балки хусусий сектор даражасида ҳам жадаллашувини назарда тутди. Эркин бозорнинг фаолият кўрсатиши учун яратилаётган шароит Ғарб ва Шарқ ишбилармонларининг мамлакатимизга барқарор қизиқишини уйғотмоқда. Бугунги кунда бизнинг тадбиркорларимиз ҳам хорижий инвесторларни ҳамкорликка жадал жалб этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан меъёрий ҳуқуқий база яратилган. Соҳанинг мамлакатимизнинг иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти йилдан-йилга ошиб бораётгани ушбу йўналишга қилинаётган инвестицлар ҳажмидан билиб олишимиз мумкин.

Иқтисодий ислохотларнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда мустақил солиқ сиёсати ишлаб чиқилди, унинг тактика ва стратегияси аниқланиб, изчил такомиллаштирилиб борилмоқда. Юртбошимиз томонидан миллий солиқ сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилдики, унинг асосий мақсади солиқ тўловчилар ва давлат бюджети манфаатлари ўртасида ўзаро уйғунликни таъминлашга қаратилган. Бундай уйғунликни таъминлашнинг энг муҳим воситаларидан бири солиқ юкини оптимал белгилаш ва шу тариқа давлат бюджетини керакли миқдорда молиявий ресурслар билан таъминлаш билан бирга, солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ мажбуриятлари уларнинг молиявий барқарорлигига салбий таъсир этмаслигига эришишдан иборат. Кейинги йиллардаги солиқ сиёсатининг асосий йўналишларида солиқ юкини

мунтазам камайтириб бориш тенденцияси кузатилмоқда, ушбу ҳолат 2012 йилда ҳам кузатилди ва иқтисодиётга ижобий таъсир этди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон солиққа тортиш даражаси юқори бўлмаган давлатлардан бири ҳисобланади ва умумий солиқ юки ЯИМга нисбатан 22 фоиздан ошмайди.



2.1.1-расм. ЯИМга нисбатан солиқ юкининг ўзгариш динамикаси(фоизда)⁹.

Республикаимизда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида турли хил молиявий воситалар орқали бу соҳани қўллаб-қувватлаш устувор йўналиш сифатида амал қилиб келмоқда. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини рағбатлантиришда солиқ тизимидан фойдаланиш ўз самарасини бериб келаётганлиги бугунги кунда мамлакатимизнинг юқори иқтисодий ўсишни таъминлаб бораётганлигидан ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1887-сонли қарорига мувофиқ, 2013 йилда иқтисодиётнинг барча


⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

тармоқларидаги корхоналар, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги 6 фоизли ставкадан 5 фоиз қилиб белгиланди. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектлари ихтиёрига давлат бюджетига тўлаши лозим бўлган маблағлар уларнинг молиявий имкониятларини кучайтириш учун қолдирилди, натижада эса уларда ишлаб чиқариш ҳажми ўсган ҳолда, янги иш ўринларини яратишда ушбу субъектларнинг улуши ошиши таъминланмоқда.

Мамлакатимизда тармоқларнинг ривожланиши учун қулай муҳитни ва имтиёзларни берилаётганлиги ҳам тармоқлар ва соҳаларда ривожланишни таъминлашга хизмат қилмоқда. Биргина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида энг аввало белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи рол ўйнаётганлиги ҳисобланади. Жумладан, 2013 йилда юридик шахслар учун даромад солиғи 9 фоизгача, микрофирмалар ва кичик бизнес учун ягона тўлов 5 фоизгача тушурилди.

Охириги йилларда кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси йил сайин камайиб бориши кузатилмоқда. 2012 йил учун белгиланган солиқ ставкаси 1996 йилга нисбатан, 7,6 марта, 2000 йилга нисбатан 6 марта, 2005 йилга нисбатан эса 3 мартага қисқартирилган. 2013 йил Юртбошимиз томонидан “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан оилавий хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда солиқ тизимининг роли янада оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-1887-сонли қарорига мувофиқ, хизмат кўрсатиш соҳасида ва бошқа шу каби маиший хизматлар соҳасида фаолиятни кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ўртача 2 баробар камайтирилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси мустақилликнинг дастлабки йилларида яъни 1996 йилда 38 фоизни ташкил қилган бўлса, 2013 йилда ушбу ставкаси 5 фоизни яъни 7,6 марта камайганлигини 2.1.2-расмдан билиб олишимиз мумкин.




2.1.2-расм. Кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси¹⁰.

Автомобиль транспортада юк ташишга оид хизматларни кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ҳудудлар бўйича унификация қилинди ва қатъий ягона солиқ ставкалари белгиланди. 2013 йил учун ишлаб чиқилган солиқ сиёсатида кичик бизнес субъектларига нисбатан солиқ имтиёзлари кенгайтирилди, айримларининг муддати узайтирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли Қарори билан микрофирма ва кичик корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2009 йил 25 октябрдаги ПҚ-1050-сонли Қарори билан берилган солиқ ва божхона имтиёзлари 2014 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Ўтган йиллар давомида малакатимизда солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Жумладан, мамлакатимиздаги енгил ва озиқ-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун кенг қўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.



2.1.3-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши, фоизда¹¹.

Юқоридаги каби чора тадбирларнинг амалга оширилиши янги иш ўринларини яратишга ҳам ижобий таъсир кўрсатиб келмоқда. Жумладан, 2012 йилда жами 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилган бўлса, мазкур янги иш ўринларининг 650 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган
~ 39 ~

соҳасига тўғри келади. Натижада кичик бизнес субъектларини ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54,6 фоизни ташкил қилди.

Бу кўрсаткичнинг йилдан йилга ошиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда. 2007 йилда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотдаги улуши 45,5 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1051-сонли Қарорига асосан янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январгача:

❖ солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинди;

❖ Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган қурилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 4 майда қабул қилинган ПФ-4296-сонли Фармони кичик бизнес субъектлари фаолиятининг давлат томонидан янада қўллаб-қувватланишининг муҳим ҳуқуқий асоси сифатида катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу Фармонга мувофиқ, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширувидан ўтказилмайди. 2011 йилнинг 1

апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқлаб қўйилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

2.1.1-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт ва унинг асосий тармоқларидаги улуши (фоиз ҳисобида)¹²							
	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011й.	2012й.
Саноат	10,9	13,2	14,6	17,9	18,8	21,9	22
Қишлоқ хўжалиги	93,9	97,5	97,8	97,9	97,8	97,9	98
Инвестиция	26,5	23,7	24,6	23,7	28,5	31,9	32,1
Қурилиш	52,1	55,4	58,4	42,4	53,1	68,6	68,9
Савдо	45,7	48,2	48,1	47,8	50,3	47,1	47,9
Пуллик хизматлар	50,8	50,1	48,5	46,9	47,0	46,3	46,6
Юк ташиш	27,2	34,7	38,1	39,5	41,6	43,2	43,8
Юк айланмаси	64,7	70,4	74,6	73,1	76,6	78,9	79,2
Йўловчи ташиш	69,4	75,7	78,4	78,8	79,4	81,8	82,1
Йўловчи айланмаси	80,4	84,8	84,5	82,9	84,7	87,0	87,4
Экспорт	10,7	14,8	12,4	14,6	13,7	18,8	18,8
Импорт	34,0	32,0	35,7	42,5	35,8	37,4	37,4
Бандлик	69,1	72,1	73,1	73,9	74,3	75,1	76,4

2.1.1-жадвал маълумотларига асосланиб айтишимиз мумкинки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни тармоқлар таркибидаги улуши ҳар бир тармоқ бўйича ошиб борган. Масалан, саноатдаги улуши 2006 йилдан 2011 йилга келиб мос равишда 10,9 фоиздан, 21,9 фоизгача ошган. Аҳоли бандлигини таъминлашда эса ҳозирги кунда жами банд аҳолининг 75,1 фоизи ушбу соҳада бандлиги ҳам

¹² www.stat.uz маълумотлари асосида тузилган.

ушбу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз иқтисодийетини ривожлантиришда нақадар аҳамиятли эканини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 24 августда қабул қилинган ПФ-4354-сонли Фармониға мувофиқ, 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари, шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузгани сабабли пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, унинг амалдаги миқдориға нисбатан учдан бир қисмға камайтирилди; юридик шахсларға текширувлар натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқи белгиланди.

Демак, олиб борилаётган кенг кўламли солиқ ислохотлари натижаси ўлароқ йиллар мобайнида солиқ юкининг камайишиға қарамасдан, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг барқарор ўсишини таъминлашға эришилмоқда. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва уларға турли хилдаги солиқ ва бошқа имтиёзларнинг берилаётганлиги ҳам мамлакатимизда ушбу субъектларнинг фаолиятини янада ривожлантиришға қаратилганлигини билиб олишимиз мумкин. Ҳозирги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларни қўллаб қувватлашнинг мустаҳкам механизмнинг яратилганлиги мамлакатимиз ЯИМни юқори суръатлар билан ўсишини ва аҳоли даромадларининг ошиб бораётганлигига хизмат қилаётганлигини кўришимиз мумкиндир. Бу каби ислохотлар мамлакатимизда барқарорликни таъминлашға қаратилган чора-тадбирлардан биридир.

2. Ўзбекистонда давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таҳлили

Мамлакатнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларидан бири бу давлат бюджети ҳисобланади. Давлат бюджетининг таркибий қисмларини бюджет даромадлари ва харажатлари ташкил қилади. Мамлакатимизда мустақиллик йилларининг дастлабки йилларидан бошлаб бюджет ислохотларини жадал суръатларда олиб борди. Бюджет соҳасини ислоҳ қилишнинг дастлабки босқичида асосий вазифа мустақил давлатнинг ўз бюджет тизимини шакллантиришдан иборат бўлган. Бу, биринчи навбатда, барқарор даромадларни шакллантириш ва давлат бюджетининг зарур харажатларини молиялаштиришни таъминлайдиган мустаҳкам қонуний ва меъёрий асос яратилишини талаб қилар эди. Ушбу мақсадда “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бир қанча бошқа қонунлар ва қонун ости ҳужжатлари тасдиқланган. 2000 йилда “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонун қабул қилинган бўлиб, унда давлат харажатларини режалаштириш, унинг ижроси ва назорати жараёнлари аниқланиб, турли вазирлик ва идоралар, республика ва маҳаллий бошқарув идораларининг роли ва масъулият соҳалари аниқ чегараланган.


Мамлакат иқтисодиётини секин-аста ўзгартириш ва эркинлаштириш, бир қанча давлат вазифаларини хусусий секторга топширилиши давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, саноат янги йўналишларининг ривож ва хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, ҳамда мамлакат иқтисодиётида унинг роли ва улушини ошиши мамлакат Давлат бюджети даромадларини бир неча баробар кўпайтирди.

Давлат бюджети ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг тақсимланиш жараёнида давлатнинг жамиятдаги вазифаларини бажариши учун мақсадли равишда шакллантирилган марказлаштирилган пул фонди

бўлиб ва мамлакатда яшочи барча аҳолининг молиявий манфаатларини ўзида ифода этади.

2012-йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани буни яққол тасдиқлайди.

Президентимиз ўз маърузасида ўтган йилда мамлакатимизда солиқ юки сезиларли даражада пасайтирилганига қарамасдан, давлат бюджетининг даромадлар қисми бўйича кўрсаткичлар тўлиқ бажарилгани, эришилган профицит ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоизни ташкил этганини таъкидлаб ўтди (2.2.1-расм).



2.2.1-расм. Давлат бюджети кўрсаткичларининг бажарилиш даражаси, фоизда¹³

2.2.1-расмдан кўринадики, 2000-2004 йиллар давомида мамлакатимиз давлат бюджети тақчиллигини -1 фоиздан -0,4 фоизга пасайтириш, 2005-2008 йиллар давомида эса давлат бюджети тақчиллигига барҳам бериб, давлат бюджети профицитини 0,1 фоиздан 1,5 фоизга оширишга эришилди. Кейинги йилларда мазкур жараёнларга ҳам жаҳон молиявий-

¹³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида тузилган

иқтисодий инқирози ўзининг салбий таъсирини кўрсатишига қарамасдан, бюджет профицитини сақлаб қолишга эришилмоқда. Хусусан, жуда мураккаб кечган 2012 йилда ҳам мақсадга мувофиқ йўналтирилган чора-тадбирлар натижасида бюджет даромадларининг харажатлардан ортиш ҳажми ЯИМнинг 0,4 фоизи даражасида бўлишига эришилди. Умуман олганда, давлат бюджети соҳасидаги бундай натижаларни қўлга киритишда мамлакатимиз иқтисодиётини босқичма-босқич ислоҳ этиш ва эркинлаштириш, илгари давлат зиммасида бўлган бир қанча вазифаларни хусусий секторга ўтказиш орқали давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш, янги саноат йўналишларининг ривожлантирилиши ҳамда хусусий сектор молиявий ҳолатининг мустаҳкамланиши, шунингдек, унинг мамлакат иқтисодиётидаги роли ва улушининг ортиши каби омиллар сезиларли таъсир кўрсатди.

Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди.¹⁴

Мамлакатимизда ижтимоий соҳаларни жадал ривожлантиришга 2012 йилда ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлат жами харажатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга йўналтирди, унинг 34 фоиздан ортиғи таълим, 14,5 фоиздан кўпроғи соғлиқни сақлаш соҳаларини молиялаштиришга сарфланди.

2012 йилда эришилган муҳим ижобий натижалар қаторида Президентимиз ташқи қарз даражасининг пастлигига алоҳида эътибор

¹⁴Ислом Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, Тошкент, “Ўзбекистон”, 2013 йил, 5-бет.

қаратиб, жумладан, қуйидагиларни таъкидлади: “Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-эътиборини сақлаб қолишга эришди. 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистоннинг жами ташқи қарзлари миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан 16,0 фоиздан ошмагани, бу кўрсаткич эса халқаро мезонлар бўйича “ўртачадан ҳам кам” даражада баҳолангани буни исботлаб бермоқда”¹⁵.

Бюджет даромадларини эса йилдан йилга ошириш белгиланган. 2012 йилда бюджет даромадлари 20614,1 миллиард сўм бўлган бўлса, 2013 йилда эса 25104,9 миллиард сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Ушбу шакллантирилган даромадлар натижасида бюджет харажатлари турли йўналишларга сарфланади.

Шунингдек, Маҳаллий Ҳокимият органларининг бюджет даромадлари режасини тўлиқ бажарилишини таъминлаш бўйича устувор вазифалар қилиб қуйидагилар белгиланди.

▼ Солиқларнинг йиғилиш даражасини кўтариш;

▼ Тадбиркорлик субъектларига тақдим этилган имтиёزلардан унумли фойдаланган ҳолда уларга кўмаклашиш ва янги иш ўринларини яратиш;

▼ Ҳудудларда ишлаб чиқариш суръатларини оширишга қаратилган ва тасдиқланган чора-тадбирлар ижроси бажарилишини таъминлаш;

▼ Маҳаллий бюджетларни режалаштириш тизимини ва бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш;

¹⁵Ислом Каримов. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, Тошкент, “Ўзбекистон”, 2013 йил, 6-бет.

▼ Бюджет даромадларини ошириш бўйича қўшимча ресурсларни излаш.

Давлат бюджетининг харажатлари қисми бир нечта йўналишларга сарфланади. 2.2.2-расм.


▼ Ижтимоий-маданий тадбирлар;

▼ Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;

▼ Иқтисодиётни ривожлантириш;

▼ Давлат капитал қўйилмаларини молиялаштириш;

▼ Давлат бошқарув органлари ва суд органларини фаолияти сақлаб туриш ва бошқа.



2.2.2-расм. 2002-2012 йилларда давлат бюджети харажатларининг таркиби (ЯИМ га нисбатан, фоизда)¹⁶

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

Ўзбекистоннинг 2001–2012 йиллардаги давлат бюджети даромадлари ва харажатлари динамикаси эътибор берадиган бўлсак, сўнги 8 йил мобайнида мамлакатимиз давлат бюджети даромадларининг харажатларига нисбатан кўп бўлганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса мамлакатимиз давлат бюджетини шу йилларда профицит билан бажаришини таъминлаган. Умуман олганда мамлакатимиз давлат бюджетининг умумий миқдори ошиб борган бўлиб, 2001 йилга нисбатан 2012 йилда 3,4 марта ошган. 2012 йилда давлатимиз бюджети даромадлари, мамлакатимизда яратилган ЯИМ нинг 21,3% ни ташкил қилиши ва харажатларнинг 59,7% и ижтимоий соҳани ривожлантириш учун сарфланаётганлиги мамлакатимизда юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг амалдаги яққол ифодаси сифатида кўрсатиш мумкин.

2.2.1– жадвал

Ўзбекистоннинг 2001–2012 йилларда давлат бюджети даромадлари ва харажатлари динамикаси¹⁷

Йиллар	ЯИМ млрд. доллар.	Даромадлар млрд. доллар	ЯИМ даги улуши %	Харажатлар млрд. доллар	ЯИМ даги улуши %	Профицит (дефицит) млрд. доллар .	ЯИМ даги улуши %
2001	11,62	2,99	25,7	3,10	26,7	-0,11	-1,0
2002	9,65	2,42	25,0	2,50	25,8	-0,08	-0,8
2003	10,13	2,41	23,8	2,45	24,1	-0,04	-0,4
2004	11,01	2,70	24,5	2,74	24,9	-0,04	-0,4
2005	13,06	3,08	23,6	3,07	23,5	0,01	0,1
2006	16,72	3,68	22,0	3,60	21,5	0,08	0,5
2007	22,31	4,92	22,1	4,60	20,6	0,32	1,4
2008	28,61	6,64	23,2	6,21	21,7	0,43	1,5
2009	32,81	7,39	22,5	7,34	22,4	0,05	0,2
2010	38,89	8,56	22,0	8,44	21,7	0,12	0,3
2012	46	10,5	22,8	10,3	22,4	0,2	0,4

Демак, мамлакатимиздаги таркибий ўзгаришлар ва иқтисодийни модернизациялаштириш шароитида давлат бюджетининг аҳамияти алоҳида ўринга эга эканлигини таҳлил жараёнида кўришимиз мумкин экан. Ҳозирги кунда бюджетнинг мустаҳкам даромад манбаига эга бўлиб

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

бораётганлиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолият юритиши учун мустаҳкам базани яратилганлиги ҳамда уларга солиқ имтиёзларининг берилиб борилаётганлиги бюджет даромадларининг мустаҳкам манбаси шаклланди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, кейинги йилларда глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, Ўзбекистонда олиб борилаётган самарали солиқ-бюджет сиёсат ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига жуда катта ижобий натижалар қўлга киритилмоқда, иқтисодиётимизда жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларига эришилмоқда.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги, унинг бюджет тизимини бошқаришдаги аҳамияти

Ўзбекистон Республикасида 2002 йилдан бошлаб Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш ҳақида”ги Қарори асосида Жаҳон банки ва халқаро ташкилотлари ёрдамида республикада ғазначилик тизимини жорий этиш бўйича ишлар амалга оширилди.

Амалга оширилаётган тадбирлар натижасида 2005 йилда дастлабки лойиҳа Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилояти мисолида, 2007 йилдан ғазначилик тизими мамлакатимизда тўла фаолият кўрсатиши мўлжалланганди. Ғазначилик тизимига ўтишгача бўлган даврда бюджет ижроси жараёни икки босқични ўз ичига олади. Бюджет тушумларини тақсимлаш ва бюджет маблағларини давлат бюджети маблағларини олувчилар ҳисоб рақамларига ўтказиш. Давлат бюджети маблағларининг кейинги тақдири бутунлай фойдаланувчиларнинг ихтиёрига боғлиқ. Давлат бюджети маблағларидан самарали ва оқилона фойдаланилишини эса бухгалтерия ҳисоботи орқали текшириш мумкин, аммо ушбу

ҳисоботни ўзи кейинги қабул қилинган халқаро стандартларга мослаштирилиши лозим эди.

2006 йил бошига бюджет ташкилотларининг банклардаги ҳисоб, рақами 110 мингдан ошиб кетганлигини ҳисобга олганда уларнинг 70 % и тижорат банкларида очилган. Бу эса пул маблағлари мониторингини ўтказишнинг имкони йўқлиги яққол кўрсатади. Ҳисоб рақамларининг сони кўп бўлиб, улар турли банклар бўйича тарқалиб кетганда, давлат бюджети маблағларини самарали бошқариш ва назорат қилишнинг имкони йўқ эди. Шунинг учун ғазначилик тизимини жорий қилмасдан давлат бюджети маблағларини мониторингини ўтказиш ва самарали бошқаришни таъминлашнинг имкони, механизмлари яратишнинг имкони йўқ эди.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни либераллаштириш шароитида 2004 йил 20-августда 664-II сонли Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғриси”да қонун қабул қилинди.

Мазкур Қонунга асосан давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тизимига ўтиш Ўзбекистон Республикасида устувор вазифаси ҳисобланди. Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг ғазна ижроси соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун мамлакатимизда ушбу тизимига ўтишда босқичма-босқич ўтила бошлади.

Ўзбекистон Республикасида ғазначилик тизимига ўтилишини тўрт босқичга бўлиш мумкин:

Ғазначилик тизимига ўтишнинг биринчи босқичи. Бу босқичда ғазначилик тизимига ўтиш бўйича эксперимент ўтказилди ва бу экспериментни ўтказишга керакли бўлган тегишли вақтинчалик меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва амалиётда қўлланилди.

2005 йил 1 июндан бошлаб Самарканд вилоятининг Самарканд ва Тойлок туманларида бюджет маблағлари олувчилар билан товарлар

етказиб (ишлар бажариб, хизматлар кўрсатиб) берувчилар ўртасида тузилган шартномаларни руйхатдан ўтказиш ва уларни тўлаш бўйича бюджетнинг ғазна ижросини элементлари жорий этила бошланди.

Бюджет маблағлари олувчиларнинг товар етказиб (ишлар бажариб, хизмат кўрсатиб) берувчилар билан тузган шартномаларини, руйхатдан ўтказиш ва бюджетдан маблағлар олувчиларнинг харажатлар тўловини назорат қилиш механизмини амалга ошириш тартиби тўғрисида вақтинчалик низом ишлаб чиқилди. 2006 йилда, маҳаллий бюджетларнинг ғазна ҳисоби тўғрисида, бюджет маблағлари олувчиларнинг шахсий ҳисобварақларини очиш ва ёпиш тўғрисида ва бюджетнинг ғазна ижросини бухгалтерия ҳисоби тўғрисида вақтинчалик қоидалар ҳамда давлат бюджетининг ғазна ижросини бухгалтерия ҳисоби ягона счётлар режаси ишлаб чиқилди. Бу ягона счётлар режаси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1570-сон билан рўйхатга олинди ва уни 2008 йилдан бошлаб қўллаш режалаштирилди. Ҳозирга келиб бу ягона счётлар режаси бекор қилинди.

Ғазначилик тизимига ўтишнинг иккинчи босқичи. Бу босқич Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил қилиниши, бюджет ташкилотларининг бюджет ҳисобварақларининг ёпилиши, молия органларининг банкдаги бюджет ҳисобварақларини ўрнига республика ва ҳудудий ғазна ҳисобварақларининг очилиши ҳамда ғазначилик тизими маҳаллий бюджетлар ижросини тўла қамраб олиши билан ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 594-сонли қарори билан республикада давлат бюджетининг ғазна ижроси жорий этилди. Уни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибида ғазначилик ва унинг таркибий тузилмалари ташкил этилди. Мамлакатда Ўзбекистон

Республикаси Молия вазирлигининг Бош ғазначилиги, вилоятлар буйича 14 та ғазначилик бошқармалари ҳамда туман ва шаҳарларда 199 та ғазначилик бўлимларини ўз ичига олувчи ғазначилик органларининг ягона марказлашган тизими ташкил этилиб, унинг вазифа ва функциялари белгилаб берилди.

Ғазначилик органларининг ташкилий тузилиши марказлашган, республиканинг маъмурий-худудий бўлинишига мос бўлган кўп поғонали уч даражали қилиб ташкил қилинди. Шундай қилиб, мамлакат ғазначилик тизимининг биринчи даражали Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ғазначилик бош башқармаси, иккинчи даражали Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг бошқармалари ҳамда учинчи даражали туманлар ва шаҳарлар бўлинмалари яратилди.

Ғазначилик тизимига ўтишнинг учинчи босқичи. Бу босқичда Республика ва худудий ғазна ҳисобварақлари ёпилиб ягона ғазна ҳисобварағини очилиши ва давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимини тўла ишга тушиши кўзда тутилади. Барча бюджетларга ҳамда давлат мақсадли фондларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигида шахсий ҳисобварақлар очилди.

Ягона ғазна ҳисобварағига давлат бюджетининг барча тушумлари келиб тушади, бу ҳисобварақдан давлат бюджетининг барча харажатлари тўловлари амалга оширилади. Ягона ғазна ҳисобварағига бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳам келиб тушади ва ундан бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан уларнинг шахсий ҳисобварақлари орқали тегишли харажат тўловлари амалга оширилади. Тўловлар ғазначилик органларига тақдим этилган тегишли ҳужжатларга мувофиқ ягона ғазна ҳисобварағидан тўғридан-тўғри етказиб берувчиларнинг банкдаги ҳисоб-варақларига ўтказиб берилади.

Давлат бюджети даромадлари тушумининг ҳисобини юритиш ва тартибга солувчи даромадларни турли бюджетлар ўртасида тақсимланади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигида ҳар бир бюджет ва давлат мақсадли фонди учун шахсий ҳисобварақ очилади.

Ғазначилик тизимида ўтишининг тўртинчи босқичи. Бу босқичда ягона ғазна ҳисобварағи ва давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизимини тўла фаолият кўрсатади. Шунинг учун бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ижросини ҳам давлат молиясини бошқаришнинг ахборот тизими томонидан қамраб олиниши, «Давлат сектори учун бухгалтерия ҳисоби халқаро стандартлари»га ва «Давлат молияси статистикаси буйича қўлланма - 2001»га асосланган ҳолда мамлакатнинг давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобини стандартларини ишлаб чиқилиши ва уни жорий этилиши, давлат секторида бухгалтерия ҳисобини ҳисоблаш методи асосида юритишга ўтилиши, ерни баҳоланиши ва бошқа масалалар ҳал қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.¹⁸

Давлат бюджети ғазна ижросининг асосий тамойиллари кассанинг ягоналиги ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналигидан иборат. Давлат бюджетининг ғазна ижроси Давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ғазна ҳисобварағига киритишдан иборатдир. Давлат бюджетининг харажатларини шу ҳисобварақдан тўлашдан иборат.

Давлат бюджетининг ғазна ижроси қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган махсус ваколатли молия органи (ғазначилик) ҳамда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлардаги ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

“Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Ғазначиликнинг асосий вазифалри қўйидагилардан иборат:

¹⁸ М. Остонақулов “Ғазначилик органларида бюджет ижросининг бухгалтерия ҳисоби” Тошкент “Iqtisod-Moliya” 2011. 50-52 бетлар

Ø Давлат бюджетининг касса ижроси;

Ø Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;

Ø Давлат бюджети маблағларини бошқариш;

Ø Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик ёки jisмоний шахслар номидан уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;

Ø Бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш учун тузадиган шартномаларини, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини рўйхатга олиш;

Ø Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;

Ø Давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

Ø Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бажариш. Ғазначилик ўз зиммасига юклатилган вазифаларни давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда бажаради. Мазкур органлар ва ташкилотлар Давлат бюджетининг касса ижросини амалга оширишда, унинг маблағларини бошқаришда, Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга оширишда ғазначиликка кўмаклашишлари шарт.

Ғазначилик билан давлат солиқ, божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар, Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик шахслар, шунингдек бюджет жараёнининг бошқа иштирокчилари Давлат бюджетининг ғазна ижроси

соҳасидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда алмашиб турадилар.

Ягона ғазна ҳисобварағи ғазначилик томонидан бошқариладиган махсус банк ҳисобварағи бўлиб, бу ҳисобвараққа давлат бюджети маблағлари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари киритилади. Ягона ғазна ҳисобварағидан давлат бюджетида маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахсларнинг харажатлари тўланади, шунингдек давлат мақсадли жамғармаларининг харажатлари амалга оширилади.

Ягона ғазна ҳисобварағи белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Ғазначилик томонидан очилади. Ғазначилик Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида ва бошқа банкларда банк ҳисобварақлари очиш ҳуқуқига эга. Ғазначиликнинг банк ҳисобварақларидан маблағларнинг сўзсиз тартибда ҳисобдан чиқарилишига йўл қўйилмайди.

Давлат бюджетига тўланадиган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар тегишлича Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлат мақсадли жамғармалари даромадларида акс эттирилади. Бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ягона ғазна ҳисобварағига киритилиб, улар мазкур ташкилотларнинг даромадларида акс эттирилади.

Ғазначилик юридик ва жисмоний шахсларга улар томонидан ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона ғазна ҳисобварағидан ёки ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан қайтарилишини амалга оширади.

Давлат бюджетининг харажатлари ягона ғазна ҳисобварағи ёки ғазначиликнинг бошқа банк ҳисобварақларидан белгиланган муддатларда

ва тегишинча Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

Шундай қилиб, 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб Давлат бюджети ғазна ижросининг ягона ғазна ҳисобварағи жорий қилинди.

II-боб бўйича хулоса

II-бобга хулоса қиладиган бўлсак, демак, олиб борилаётган кенг кўламли солиқ ислохотлари натижаси ўлароқ йиллар мобайнида солиқ юкининг камайишига қарамасдан, солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг барқарор ўсишини таъминлашга эришилмоқда. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва уларга турли хилдаги солиқ ва бошқа имтиёзларнинг берилаётганлиги, мамлакатимизда ушбу субъектларнинг фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилганлигини билиб олишимиз мумкин. Шунингдек, бобда бюджет даромадлари ва харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлиги ҳам кучли ижтимоий сиёсат тамойилининг амалдаги исботидир. Бюджет назоратини амалга оширишда улардан самарали фойдаланишда ғазначиликнинг ўрни беқиёсдир. Бюджет ғазначилигининг тадбиқ этилишининг натижалари сифатида қуйидагиларни келтириши мумкин:

- Ø қуйи бюджет ташкилотларига маблағларни босқичма - босқич молиялаштириш механизми тугатилди;
- Ø бюджет маблағларининг банклардаги кўплаб ҳисоб рақамларда тарқалиб ётишига барҳам берилди;
- Ø маблағлар ғазначиликнинг тижорат банкларда очилган ҳудудий ҳисоб рақамларида жамланди ва бунинг натижасида тўловларни амалга ошириш, шу жумладан иш ҳақини тўлаш муддатлари қисқарди;

III – боб. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида солиқ-бюджет тизимини такомиллаштириш йўналишлари

1. Ўзбекистон бюджет тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари

Бугунги кунда ҳукм сураётган ва тобора жиддийлашиб бораётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳар бир мамлакат ҳукумати олдига макроиқтисодий барқарорлик ва изчил ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган изчил иқтисодий сиёсатни юритиш вазифасини қўймоқда. Бунда самарали иқтисодий ўсишини рағбатлантиришга йўналтирилган фискал сиёсат юритиш масаласи марказий ўринга эга бўлмоқда. Шу билан бир қаторда умумий иқтисодий мунозанатни таъминлашга йўналтирилган яхлит давлат сиёсати билан боғлиқ муаммолар ҳам айнан давлатнинг фискал сиёсати инструментларига боғлиқ бўлмоқда.

Ривожланган мамлакатларда кузатилаётган молиявий иқтисодий инқирознинг тобора кескинлашиб бораётганлигига қармасдан Республикамизда кузатилаётган барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланишида олиб борилаётган изчил бюджет-солиқ сиёсатининг аҳамияти ҳоят юксакдир. Буни ўз навбатида кейинги йилларда кзатилаётган бюджет профицити, режалаштирилган давлат бюджети даромад кўрсаткичларининг орттириб бажарилаётганлиги, давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини янада ривожлантирилиши натижасида бюджет харажатларининг манзили ва мақсадли сарфланаётганлиги билан изоҳлаш мумкин (3.1.1-жадвал).

3.1.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жами марказлашган жамғармалар таркибида мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадларининг салмоғи 2013 йилда 69,4фоизни ташкил этиши мўлжалланмоқда.

3.1.1-жадвал

Жамланма бюджет даромадларининг асосий параметрлари (миллиард сўм)¹⁹

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012 йил	2013 йил	2012 йилда жамига нисбатан фоизда	2013 йилда жамига нисбатан фоизда
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	20614,1	25104,9	57,1	69,4
Мақсадли жамғармалар даромадлари	10499,8	13571,9	29,1	32,7
Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадлари	210,0	227,5	0,6	0,5
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари	4747,6	2618,5	13,2	6,3
Жами марказлашган жамғармалар	36071,5	41522,8	100,0	100

Бу ўз навбатида давлат фискал сиёсатида мақсадли фондларсиз давлат бюджети марказий ўринга эгалигини тасдиқлайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ҳам аҳамият юқори бўлмоқда. Бу улар даромадларини шаклланиш кўламида яққол намоён бўлади. Хусусан, мақсадли жамғармалар даромадлари 2012 йилда 10499,8 миллиард сўмга режалаштирилган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу кўрсаткич 13571,9 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида белгиланган устувор

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ. - 2013.40 бет.

вазифаларни самарли ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган жамғарманинг даромадлари 2012 йилда 210,0 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу жамғарманинг даромадлари 227,5 миллиард сўмни режалаштирилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган йирик ва стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳаларни молиялаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш билан боғлиқ ислохотларда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ҳиссаси юқори бўлмоқда. Унинг даромадларини сўмдаги эквиваленти 2013 йилда 2618,5 миллиард сўмни ташкил этилиши кўзда тутилган²⁰.

3.1.2-жадвал

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари тўғрисида маълумот(миллиард сўм)²¹

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012 йил	2013 йил	2012 йил жамига нисбатан фоизда	2013 йил жамига нисбатан фоизда
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	20614,1	25104,9	100	100
Шу жумладан:				
Бевосита солиқлар	5196,4	6853,1	25,2	27,3
Билвосита солиқлар	11187,8	13039,4	54,3	51,9
Ресурс солиқлари	2746,4	3755,5	13,3	14,9
Бошқа даромадлар	1483,5	1456,9	7,2	5,8

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O’qituvchi” НМИУ. - 2013. –39-43бетлар.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1887-сонли қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 587-модда

Агар мақсадли фондларсиз давлат бюджетининг даромадлари 2012 йилда 20614, 1 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилган бўлса, 2013 йилга келиб бу кўсаткич 25104,9 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқ тизими алоҳида аҳамият касб этади. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (3.1.2-жадвал).

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадларининг таркибий таҳлилидан кўринадики, билвосита солиқлардан бюджетга режалаштирилган тушум 2012 йилда 11187,8 миллиард сўм бўлса, 2013 йилга келиб 13039,4 миллиард сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Жами бюджет даромадларидаги салмоғи 51,9фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. Ушбу ҳолат шунини тасдиқлайдики, давлат бюджети даромадларини шакллантиришда билвосита солиқларнинг фискал аҳамияти юқори бўлмоқда.

Давлат бюджети даромадларининг шаклланиш самарадорлиги ва барқарорлиги амалга оширилиши кўзда тутилган харажатлар ижросининг моддий асосини ташкил этади. Шунингдек, давлат бюджети харажатлари давлат томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг том маънодаги ифодасини ўзида акс эттиради. Буни қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

3.1.3-жадвал

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатлари тўғрисида

маълумот²²

Кўрсаткичлар	2012 йил		2013 йил	
	Миллиард сўм	фоизда	Миллиард сўм	фоизда
Давлат бюджети харажатлари	21571	100	26312	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	12513	58	15573	59,2
Иқтисодиётга харажатлар	2372	11,0	2791	10,6
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	1059	4,9	1300	4,9
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	629	2,9	825	3,1
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	191	0,9	287	1,1
Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	70	0,3	85	0,3
Бошқа харажатлар	4735	21,2	5448	20,7

3.1.3-жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг салмоғи юқори бўлмоқда. Хусусан, ушбу харажатлар 2012 йилда 12513 миллиард сўмга режалаштирилиб, жами бюджет харажатларида 58фоизни ташкил этиши кўзда тутилган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу харажатлар 15573 миллиард сўм ҳажмида режалаштирилган ва унинг жами бюджет харажатлардаги улуши 59,2фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. Демак, ушбу соҳага қилинаётган харажатлар, биринчидан, номинал мазмунда ва шунингдек, умумий харажатлар салмоғида ҳам ортиб бормоқда. Ушбу харажатларнинг таркиби қуйидаги диаграммада келтирилган.

²² Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ. - 2013. –39 бет.

3.1.4-жадвал

2013 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг таркиби (миллиард сўмда)²³	
Оилаларга ижтимоий нафақалар	1839,9
Ижтимоий таъминот	197,3
Фан	173,1
Маданият ва спорт	279,1
Соғлиқни сақлаш	3768,6
Таълим	8984,6
Қишлоқ жойларда индивидуал уйлар қуриши ҳамкорликда молиялаштиришга кредит линиялари	374,7

Юқоридаги 3.1.4-жадвалдан кўриниб турибдики, ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг таркибида 8984,6 миллиард сўм ҳажмдаги маблағлар таълимга сарфланишга режалаштирилган бўлиб, асосий салмоқни ташкил этган. Қишлоқ жойларда индивидуал уйлар қуриши ҳамкорликда молиялаштиришга 374,7 миллиард сўм миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Амалга оширилаётган ислохотларда аҳолининг турмуш фароволигини ва даромадларини изчил ошириб бориш устувор аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу соҳадаги ислохотлар 2013 йилда ҳам давом эттирилиб, жами давлат бюджетидан 1839,9 миллиард сўм ҳажмида маблағ ажратилиши режалаштирилган.

2012 йилда ҳам бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар миқдорини босқичма-босқич кўпайтириш

²³Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ. - 2013. –41бет.

давом эттирилиб, иш ҳақини инфляция даражасидан юқори бўлган миқдорларда ошириш ва ушбу тадбирлар учун Давлат бюджетидан 1,3 трлн.сўм маблағ ажратилди. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб ягона тариф сеткасини қайта кўриб чиқиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий даражасини биринчи разряд миқдорида белгилаш амалга оширилди.

Иқтисодиётга қилинган харажатлар 2013 йилда 10,6фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. 2012 йилга нисбатан жамига нисбатан фоизда камайиш кузатилаётган бўлса-да, номинал мазмунда ушбу соҳага қилинган харажатлар ортиб борган. Бу ўз навбатида давлат бюджетига кучли ижтимоий сиёсатни реализация қилиш билан боғлиқ залворли юкнинг мажуд бўлишига қарамасдан, ҳозирги кунда амалга оширилаётган иқтисодиётни модернизациялаш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий қилиш билан боғлиқ йирик ва стратегик аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришда давлат молиясининг аҳамияти юқори бўлаётганлигидан далолат беради.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари сақлаш харажатлари жами харажатлар таркибида 2012 йилда 3,1фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилга келиб ушбу харажатлар 3,1фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари 2013 йилда жами бюджет харажатларининг 1,1фоизини ташкил этаётганлиги кузатилмоқда. Бу ўз навбатида давлат бошқаруви тизимида маҳалла институтларининг ролини ошириш, уларнинг моддий техник азасини мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ислохотлар билан бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети харажатлари таркибий таҳлилига асосланган ҳолда таъкидлаш жоизки, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда янада ижобий ўзгаришларни таъминлашга, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар, стипендиялар миқдорларини изчил ошириб бориш каби ижтимоий соҳадаги тадбирларни

молиялаштириш билан бирга жаҳонда глобал масштабда авж олиб бораётган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида мамлакатни барқарор иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омили сифатида ички талабни рағбатлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга оширишига йўналтирилмоқда.

Мамлакатмизда кузатилаётган макроиқтисодий барқарорлик муҳим бегиларидан бири давлат бюджетининг профицит билан бажарилаётганлиги ҳисобланади. Хусусан, кейинги йилларда давлат бюджети тақчиллик билан режалаштирилаётган бўлса-да, солиқлар бўйича прогноз кўрсаткичларни ортиғи билан бажарилиши ҳамда давлат бюджети харажатларини манзили ва мақсадли сарфланишини таъминланиши натижасида бюджет профицит билан ижро этилмоқда. Буни қуйидаги расм маълумотларидан кўришимиз мумкин.

Давлат бюджети 2009 йилда ЯИМга нисбатан 0,2 фоизлик профицит билан ижро этилган бўлса, 2012 йилда ушбу кўрсаткич ЯИМга нисбатан 0,4фоизни ташкил этган. Бунда, даромад тушумари бўйича режа кўрсаткичларини оширилиб бажарилаётганлиги ва шунингдек, бюджет ижросининг ғазначилик тизимининг самарали фаолияти натижасида бюджет маблағларини максимал даражада иқтисод қилинаётганиги муҳим ўрин эгаллайди. 2012 йилда давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича исохотлар давом эттирилди. Хусусан, 2012 йилда барча даражадаги ҳудудий ғазна ҳисоб варақлари ўрнига ягона ғазна ҳисоб варағи жорий этилди. Бу ўз навбатида давлат молияси тизимидаги барқарорликни таъминланишига таъсир этувчи асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

2. Ўзбекистонда бюджет-солиқ сиёсатини такомиллаштириш йўллари

Мустақиллик йилларидан буён Ўзбекистонда солиқ тўловчиларни уларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашишлардан химоя

қилинишини кучайтириш бўйича чора тадбирлар қабул қилиш билан бир қаторда, солиқ қонунчилигини мукамаллаштириш, солиқ юкини босқичма-босқич камайтириш, солиққа тортиш механизмини мукамаллаштириш ва осонлаштириш бўйича механизмли ишлар олиб борилмоқда.

Бу вақт мобайнида кенг миқёсли солиқ ислохотлари олиб борилди ва натижада бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган, давлат бюджетини тўлдиришни ва зарур давлат харажатларини молиялаштиришни таъминлайдиган, ҳамда аҳоли даромадларининг ошишида, модернизацияни амалга оширишда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишида, иқтисодиётнинг янги тармоқларининг ривожланишида туртки бўлиб муҳим ўрин тутадиган замонавий солиқ механизми ташкил этилди.

Шу билан бирга, икки марта солиққа тортишни йўқ қилиш ва хўжалик субъектларига солиқ юкини камайтириш мақсадида, даромад (фойда) солиққа тортиш базасидан, олдин даромад солиғи тўлашда солиққа тортиш баъзасига киритилган, иш ҳаққи тўлашдаги харажатлар олиб ташланди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омиллардан бири деб саналадиган иқтисодиётда солиқ юкининг босқичма-босқич камайиши, олиб борилаётган солиқ ислохотларининг муҳим натижаларидан бири бўлди.

Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектларига қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратиш, солиқ юкини пасайтириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда ва бунинг натижаси ўлароқ мамлакатимизда солиқ юки бундан ўн йил олдин ЯИМга нисбатан (мақсадли жамғармаларни ҳисобга олмаган ҳолда) 27,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда эса 6,3 пунктга камайди ва ЯИМга нисбатан 21,6 фоизни ташкил этди. 2013 йилда эса солиқ юкининг

умумий даражаси яна 0,3 фоизга камайтириш, яъни 21,3фоизгача тушириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Бироқ, ушбу кўрсаткични дунёнинг ривожланган ва бошқа бир қатор давлатлардаги ҳолатга эътибор берадиган бўлсак, мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати жуда мустаҳкам ҳолатдалигини мамлакатимизнинг ушбу соҳадаги ютуқларидан ҳам кўришимиз мумкин.

Республикаимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки кунлариданок, миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб этишни рағбатлантиришда солиқ тизимидан самарали фойдаланилмоқда. Бугунги кунда асосий капиталага киритилаётган инвестициялар ялпи ички маҳсулотнинг қарийиб тўртдан бир қисмини ташкил этишида берилаётган солиқ имтиёзлари катта аҳамият касб этмоқда. Бу борадаги ишлар 2012 йилда ҳам давом эттирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига кўра хорижий инвесторнинг пул шаклидаги улуши 5 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган янгидан ташкил этилаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида солиқ қонунчилигида ўзгаришлар юз берган ҳолларда, юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, мол-мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов, ягона солиқ тўлови, шунингдек, Республика йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашнинг мазкур корхоналар давлат рўйхатидан ўтиш санасида амал қилган меъёрлари ва қоидаларини қўллашга ҳақли эканликлари белгилаб берилди.

3.2.1-жадвал маълумотларидан кўринадик, Республикамизда солиқ юки дунё бўйича ҳамда Европа иттифоқи давлатлари, Лотин Америкаси давлатларидаги ўртача даражадан 2,1 мартага паст кўрсаткичга эга. Шунингдек, МДХга аъзо давлатлардаги ўртача солиқ юкининг ҳам нисбатан пастлигига Республикамиздаги солиқ юки даражаси катта таъсирга эга. Чунки, Россияда бу кўрсаткич 34,1%ни, Белоруссияда 27,6%ни, Украинада 25,3%ни ташкил этади²⁴.

3.2.1-жадвал

2012 йилда Ўзбекистонда ва дунёнинг айрим давлатларида солиқ юкининг ўртача даражаси, фоизда²⁵

Давлатлар ва уюшмалар номи	Солиқ юкининг ўртача даражаси, фоизда	Ўзбекистондаги солиқ юкининг бошқа давлатлардаги ҳолат билан қиёсий даражаси
АҚШ	32,3	1,5 марта паст
Европа иттифоқи давлатлари	42,6	2,0 марта паст
Лотин Америкаси давлатлари	47,2	2,2 марта паст
Шарқий Осиё давлатлари	34,5	1,6 марта паст
Марказий Осиё давлатлари	40,5	1,9 марта паст
Россия Федерацияси	34,1	1,6 марта паст
МДХга аъзо давлатлар	25,2	1,2 марта паст
Дунё давлатлари бўйича ўртача	44,7	2,1 марта паст
Ўзбекистон	21,6	х

Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун кафолатлар, имтиёзлар ва афзалликлар тизими кўлами янада кенгайтирилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон Фармонида кўзда тутилган солиқ имтиёзлари

²⁴ www.worldtax.org, маълумотлари асосида тузилган.

²⁵ www.worldtax.org, www.worldwide-tax.com, www.taxworld.org интернет сайтлари маълумотлари асосида тузилган.

авваллари 8 та тармоқ фаолиятига тегишли бўлган бўлса, ушбу Фармон билан 2012 йилнинг II-чорагидан бошлаб, хорижий инвестициялар учун имтиёзлар 20 та йўналишдаги иқтисодий тармоқларида фаолият юритаётган чет эл инвестиция иштирокидаги корхоналарга татбиқ этиладиган бўлди.

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш учун корхоналарга қўйилган талабларга ҳам бир катор ўзгартиришлар киритилди. Масалан, аввал мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар ҳисобланган Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш лозим эди. Эндиликда эса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидан ташқари барча ҳудудларда бундай корхоналарни ташкил этиш мумкин. Шунингдек, имтиёздан фойдаланиш учун аввал корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим эди, энди бу кўрсаткич 33 фоиз қилиб белгиланди.

Бундан ташқари, мазкур имтиёзларни қўллаш муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни тўлиқ корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш лозим эди, энди 50 фоизи ушбу мақсадга, қолган қисм эса ихтиёрий тасарруф этилиши мумкин.

Мамлакатимизда ишлаб чиқаруви корхоналарнинг экспорт салоҳиятини янада оширишни рағбатлантириш кўлами янада оширилди. Шу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 26 мартдаги “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1731-сон Қарори қабул қилиниб, ушбу қарорга мувофиқ микрофирмалар ва кичик корхоналарга сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мувофиқлигини сертификациядан

ўтказиш, шунингдек лаборатория тестлари ва синовларини ўтказиш комплексларини харид қилишга йўналтириладиган маблағларга янги технологик ускуналарни сотиб олишда назарда тутилган ягона солиқ тўлови бўйича солиқ солинадиган базани камайтириш ҳуқуқи берилди.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатининг энг муҳим жиҳатларидан бири солиқ тўловчилар зиммасидаги солиқ юқининг юридик ва жисмоний шахслар кесимида босқичма-босқич камайтириб бориш эвазига корхоналарнинг моддий техника базасини кучайтиришга билан бир қаторда аҳолининг реал пул даромадларининг ошиши таъминланиб борилмоқда. (3.2.2-жадвал).

3.2.2-жадвал

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасини ўзгариш динамикаси²⁶

Йиллар	Энг кам иш ҳақининг 5 барваригача миқдорда	Энг кам иш ҳақининг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда	Энг кам иш ҳақининг 10 баравари ва ундан юқори миқдорда
2009	12%	17%	22%
2010	11%	16%	22%
2011	10%	16%	22%
2012	9%	16%	22%
2013	8%	16%	22%

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам иш ҳақининг 5 баробаригача миқдорида ўрнатилган солиқ ставкаси охирги тўрт йил давомида 1 пункдан камайтириб келинмоқда, натижада эса солиқларнинг ижтимоийлашуви ошиб, кам даромадга эга бўлган аҳолини молиявий

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ. - 2013. 44-49 бетлар.

ҳолати яхшиланишига замин яратилмоқда. 2013 йилга мўлжалланган солиқ сиёсатида кўра жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғинининг энг кам ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга пасайтирилиши, ўз навбатида, жисмоний шахслар ихтиёрида қарийиб 186 миллиард сўм, шу жумладан, энг кам иш ҳақининг 5 баробаридан кам даромад олувчи 2,7 миллион кишига қўшимча 120 миллиард сўм даромад қолишга имкон беради. Бироқ, дунё давлатлари аксарияти амалга оширалётган солиқ сиёсатида фискаллашув даражасининг ортиб бораётганлигини кузатиш мумкин. 3.2.3-жадвалдан кўринадик, корхоналарнинг фойдасидан олинадиган солиқ ставкасини Ўзбекистондаги даража билан солиштирадиган бўлсак, Республикамизда ўрнатилган фойда солиғи ставкаси (9 фоиз) жадвалда келтирилган 20 давлатларга нисбатан бир неча марта камлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи энг юқори ставкалари бўйича ҳам Республикамиздаги (энг юқори табақалаштирилган 22 фоиз) солиқ ставкаси аксарият давлатлари ўрнатилган солиқ ставкасига нисбатан анча паст. Дунёнинг ривожланган давлатидан АҚШ, Франция, Греция, Италия каби давлатлар 2013 йилда жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ ставкаси анча оширилган бир шароитда Республикамизда ушбу солиқ тури бўйича солиқ ставкасининг энг қуйи босқичи 1 фоизга камайтирилди.

Ўтган 2012 йилдаги тадбиркорлик субъектларини молия-кредит механизмлари орқали қўллаб-қўвватлашнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида уларнинг фаолиятига солиқ ва бошқа соҳадаги текширувларни қисқартириш ҳамда улар томонидан солиқ ва бошқа тусдаги ҳисоботларни топшириш тартиб таомилларини соддлаштирилишни эътироф этилади.

3.2.3-жадвал

**2012 йилда дунёнинг айрим давлатларида корхоналардан олинадиган
фойда ва жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
ставкалари²⁷**

Давлатлар	Корхоналардан олинадиган фойда солиғи ставкалари, %	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи энг юқори ставкалари, %
Ўзбекистон	9	22
АҚШ	35	35
Буюк Британия	28	50
Германия	15	45
Франция	33,3	41
Греция	20	45
Ҳиндистон	20	30
Португалия	25	30
Норвегия	28	25
Испания	30	21
Голландия	25	15
Швеция	26	30
Австрия	25	25
Дания	25	27
Япония	25,5	20
Жанубий Корея	22	20
Туркия	20	15
Белгия	34	25
Италия	27,7	43

Бу борадаги муҳим тадбирлардан бири Президентимизнинг 2012 йил 16 июлдаги «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4453-сонли ва 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли Фармонлари билан солиқ

²⁷ www.worldwide-tax.com.маълумотлари асосида тузилган

хисоботларининг сонининг қисқатирилганлиги, уларни топшириш даврийлигини узайтирилганлиги ҳамда турли хил йиғимларнинг бекор қилинганлиги ёки камайтирилганлигидир.

Шунингдек, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб ноширлик фаолияти, қурилиш лойиҳаларининг экспертизасини ўтказиш фаолияти, архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини яратиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар амал қилиш муддати чекланмаган ҳолда берилди. Бунда ушбу фаолият турларини амалга ошириш учун аввал берилган лицензияларнинг амал қилиш муддати чекланмаган деб белгиланди.

2012 йилдаги солиқ сиёсатида хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва оилавий тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришга кенг эътибор берилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майдаги “2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги ПҚ-1754-сонли қарорига мувофиқ, Молия-банк, маиший ва бошқа хизмат турларини кўрсатувчи микрофирма ва кичик корхоналар 2017 йил 1 январигача фойда солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод қилинди. Шунингдек, 2012 йилнинг II чорагидан бошлаб агар имтиёзлар берилган хизмат турларини кўрсатишдан тушган тушум умумий тушум ҳажмида 80 ва ундан юқори фоизни ташкил этса, фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзлар микрофирма ва кичик корхоналарнинг барча даромадларига татбиқ этилди. Оилавий бизнесни юритишга кенг йўл очиб бериш мақсадида оилавий корхоналар ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан 2014 йил 1

январгача озод қилинди. Хизмат турлари бўйича берилган солиқ имтиёзлари қуйидаги жадвалда келтирилган (3.2.4-жадвал).

Бундан ташқари “Мустаҳкам оила йили” давлат Дастури мазмунига мувофиқ қишлоқ жойлардаги маҳаллалар ҳудудида маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар (сартарошлар, тикувчилар, пойафзал, маиший техникани таъмирлаш бўйича уста ва бошқалар) қатъий белгиланган солиқ тўлашдан 3 йил муддатга, қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жой қурилиши асосида барпо этилаётган массивларда ташкил қилинаётган кирхоналар хизматларини кўрсатадиган микрофирмалар, кичик корхоналар ва якка тартибдаги тадбиркорлар тегишли равишда ягона солиқ тўлови ҳамда қатъий белгиланган солиқ тўловини тўлашдан 5 йил муддатга озод этилди.

Оилавий бизнесни юритишга кенг йўл очиб бериш мақсадида оилавий корхоналар ўзи ишлаб чиқарган халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан 2014 йил 1 январгача озод қилинди. Ушбу берилган солиқ имтиёзлари ўз навбатида 2013-“Обод турмуш йили” мазмунига мос келиб, ҳукуматимизнинг аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган давлат сиёсатининг амалий аҳамиятини оширишга хизмат қилади. Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай имконият ва шарт-шароитлар яратиш вазифаларидан, шунингдек 2013 йил учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

3.2.4-жадвал.

2017 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан имтиёз ҳуқуқига эга хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар²⁸

Хизмат турлари		
Молия банк хизматлари	Маиший хизматлар	Бошқа хизматлар
• лизинг бўйича хизматлар; • суғурта бозоридаги профессионал иштирокчиларнинг хизматлари; • аудиторлик хизматлари; • бухгалтерлик ҳисобини юритиш бўйича хизматлар; • микрокредитлаш бўйича хизматлар; • солиқ маслаҳати хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар.	• чарм буюмлари ва пойафзал таъмирлаш хизматлари; • соатсозлик ва таъмирлаш хизматлари; • маиший электрон ва электр асбобларига техник хизматлар кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматлар.	• ветеринария хизматлари; • таълим соҳасидаги, компютерда ишлашга ўқитиш хизматлари; • санаториялар, болалар соғломлаштириш муассасалари, болалар спорт секциялари ва муассасалари хизматлари; • ногиронлар, қариялар ва болаларни парвариш қилиш билан боғлиқ ижтимоий хизматлар; • ахборот-ресурс марказлари, ахборот-кутубхона марказлари ва электрон таълим хизматлари.

Ушбу ҳужжатларга кўра 2013 йилдан бошлаб эса солиқ тўловчининг мол-мулки ҳисобидан ундириш учун судларга мурожаат қилинадиган солиқ қарзларининг энг кам меъёрлари белгилаб берилди. Унга кўра, Солиқ кодексида солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган юридик шахслар ва уларнинг қуйи тузилмалари учун солиқ қарзлари ЭКИХ(энг кам ойлик иш ҳақи)нинг 20 бараваригача (яъни,

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ. - 2013.–49 бет.

20x79590=1591800 сўмгача), жисмоний шахсларнинг солиқ қарзлари ЭКИХнинг 5 бараваригача (яъни, 397950 сўмгача) бўлган ҳолларда ушбу солиқ қарзларини мол-мулки ҳисобидан ундириш учун судларга мурожаат қилинмаслиги белгиланди. Ушбу меъёрнинг киритилиши, бир томондан ҳозирда суд тартибида ундирилаётган унча катта бўлмаган солиқ қарзи бўлган солиқ тўловчиларнинг чиқимларини камайтирса, иккинчи томондан солиқ органларининг ушбу қарзларни ундириш бўйича харажатларини ҳам қисқартиради.²⁹

3. Давлат бюджетини даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш ва прогнозлаш

Давлат бюджетини даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш орқали бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминланади. Ҳозирги кундаги мамлакатимиздаги бюджет профицити нормал ҳолатда эканлигини инобатга оладиган бўлсак, худди шундай кейинги йиллар учун ҳам истиқболни аниқлашда прогнозлашдан фойдаланилади.

Бюджет даромадоари бевосита солиқ, бож ва бошқа мажбурий тўловлар асосида шаклланади ва улар йиллик махсус дастур ва давлатнинг ўз вазифаларини бажариш бўйича ишларга сарафланади.

Мамлакатимизда йиллар мобайнида бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги нисбатни оладиган бўлсак, мамлакатимизда 2005 йилдан бошлаб ҳозиргача бюджет профицити 0,1 фоиздан 0,4 фоиз оралиғида эканлигини қуйидаги жадвалдан ҳам кўришимиз мумкин.

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ. - 2013. –39-43бетлар.

3.3.1-жадвал

Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари(млрд. долл.)³⁰

Йиллар	Даромадлар	Харажатлар
2001	2,99	3,1
2002	2,42	2,5
2003	2,41	2,45
2004	2,7	2,74
2005	3,08	3,07
2006	3,68	3,6
2007	4,92	4,6
2008	6,64	6,21
2009	7,39	7,34
2010	8,56	8,44
2011	9,72	9,58
2012	10,5	10,3

Ҳар йилги макроиктисодий кўрсаткичлар прогнозида мамлакатнинг кейинги йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичларнинг прогноз кўрсаткичлари баҳоланади. Худди шундай солиқ-бюджет тизимидаги асосий кўрсаткичларнинг прогнози аниқланади. “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги давлат бюджети тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг СҚ-343-II-сон 2012 йил 6 декабрги қарорига асосан 2013 йил учун бюджет дефицити 1 фоиз қилиб белгиланди.

Шунингдек, қарорда иқтисодиёт ва аҳоли даромадларига тушаётган солиқ юкини янада камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш, янги корхоналар барпо этиш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳисобига солиқ базасини кўпайтириш бўйича чоралар амалга оширилиши таъминланиши белгиланган. Ушбу чораларнинг рўёбга чиқарилиши мамлакатда инвестиция муҳитини яхшилашга ва иш ўринлари ташкил этилишини рағбатлантиришга ёрдам беради. Бюджет орқали ижтимоий соҳага қилинадиган давлат харажатларини, шу жумладан таълимни

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ривожлантириш, тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш харажатларини янада кўпайтириш йўли билан аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш бўйича чораларни рўёбга чиқаришни давом эттирилади.

Ушбу олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлашга қаратилган десак хато бўлмайди.

Прогнозлаш ҳақида гапирадиган бўлсак, бюджет даромадлари ва харажатларини истикболли натижаларини аниқлашдан иборат бўлади. Прогнозлашнинг энг содда усулларида бири бўлган трен функцияси орқали бюджет даромадларини ва харажатларининг истикболли давр учун прогноз қиламиз. Бунда тренд $y=a+bxt$ функциясида ўзгарувчиларни йиллар қилиб оламиз ҳамда чизикли функция ҳосил қиламиз.

Тренд функциясини тузиш ва у орқали прогноз қилишни Microsoft Excel дастурида “анализ данных” ёрдамида бажарамиз. Унга кўра ўзгарувчилар йиллар ҳисобланади.

<i>Регрессион статистика</i> а)	
Кўп миқдорли R	0,950
R-квадрат	0,902
Норма R-квадрат	0,892
Сандарт хатолик	0,988
Кузатувлар	12

Юқоридагидан кўришимиз мумкинки, R-квадрат бу корреляция коэффиенти бўлиб, у омиллар ўртасидаги боғланиш зичлигини кўрсатади. Яъни ушбу вақт омили бюджет даромадлари ўртасидаги боғланиш зичлиги бошқа шарт-шароитлар ўзгармас бўлган ҳолатда 0,902 га тенг экан. Бу кўрсаткич ушбу омиллар ўртасида кучли боғланиш бор эканлигини кўрсатади.

Дисперсион
анализ

b)

	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>
Регрессия	1	89,13	89,13	92,58
Қолдиқ	10	9,63	0,963	
Жами	11	98,75		

c)

	<i>Коэффициентлар</i>	<i>Стандарт хатолик</i>	<i>t-статистика</i>	<i>Паст 95%</i>	<i>Юқори 95%</i>
Озод ҳад (а)	-1578,660	164,629	-9,589	-1945,476	-1211,843
Ўзгарувчи (t)	0,789	0,082	9,622	0,607	0,972

Демак, ушбу маълумотлардан бюджет даромадларини прогноз функциясини ҳосил қиладиган бўлсак, у ҳолда функция $y = -1578,66 + 0,789t$ кўринишида бўлади.³¹



Демак, ушбу функция орқали кейинги йиллар учун прогноз қиладиган бўлсак, у ҳолда 2014 йил учун бюджет даромадлари-
 $1578,66 + 0,789 \times 2014 = 11,33$ миллиард доллар, 2015 йил учун эса-

³¹ а), b), c) жадваллар муаллиф томонидан ҳисобланган.

$1578,66+0,789 \times 2015=12,12$ миллиард долларни ташкил қилишини прогноз қилишимиз мумкин.

Худди шундай 2020 йилгача бюджет даромадларини прогноз қилишимиз мумкин.

3.3.2-жадвал

Давлат бюджети даромадларини тренд функцияси орқали аниқланган прогноз кўрсаткичлари(млрд. доллар)³²

Йиллар	Бюджет даромадлари
2014 йил	$-1578,66+0,789 \times 2014=11,33$
2015 йил	$-1578,66+0,789 \times 2015=12,12$
2016 йил	$-1578,66+0,789 \times 2016=12,91$
2017 йил	$-1578,66+0,789 \times 2017=13,70$
2018 йил	$-1578,66+0,789 \times 2018=14,49$
2019 йил	$-1578,66+0,789 \times 2019=15,28$
2020 йил	$-1578,66+0,789 \times 2020=16,07$

Бюджет харажатларининг ҳам истикболли давр учун прогнозини худди шундай тренд функцияси орқали аниқланади.

Регрессион статистика	d)
Кўп миқдорли R	0,942
R-квадрат	0,888
Норма R-квадрат	0,877
Стандарт хатолик	1,023
Кузатувлар	12

Юқоридагидан кўришимиз мумкинки, R-квадрат бу корреляция коэффиенти бўлиб, у омиллар ўртасидаги боғланиш зичлигини кўрсатади. Яъни ушбу вақт омили бюджет харажатлари ўртасидаги боғланиш зичлиги бошқа шарт-шароитлар ўзгармас бўлган ҳолатда 0,888 га тенг экан. Бу кўрсаткич ушбу омиллар ўртасида кучли боғланиш бор эканлигини кўрсатади.

e)

	df	SS	MS	F
Регрессия	1	82,81	82,81	79,11
Қолдик	10	10,47	1,05	
Итого	11	93,28		

³² Тренд функцияси орқали муаллиф томонидан аниқланган.

f)

	Коэффициентлар	Стандарт хатолик	t-статистика	Паст 95%	Юқори 95%
Озод ҳад (a)	-1521,583	171,666	-8,864	-1904,1	-1139,1
Ўзгарувчи (t)	0,761	0,086	8,895	0,6	1,0

Юқоридаги жадвалдан кўришимиз мумкинки, тренд функцияси $y = -1521,583 + 0,761t$ кўринишида бўлади. Бунда y -бюджет харажалари, t -йиллар. Ушбу тренд функцияси орқали бюджет харажатларини йиллар бўйича прогноз қиладиган бўлсак, 2014 йил учун бюджет харажатлари $-1521,583 + 0,761 \times 2014 = 11,07$ миллиард доллар бўлишини прогноз қилишимиз мумкин.³³



Худди шундай 2020 йилгача бюджет харажатларини прогноз қиладиган бўлсак, қуйидаги жадвални ҳосил қиламиз.

³³ d), e), f) жадваллар муаллиф томонидан ҳисобланган.

3.3.3-жадвал

Давлат бюджети харажатларини тренд функцияси орқали аниқланган прогноз кўрсаткичлари(млрд. доллар)³⁴

Йиллар	Бюджет харажатлари
2014	$-1521,583+0,761 \times 2014=11,07$
2015	$-1521,583+0,761 \times 2015=11,83$
2016	$-1521,583+0,761 \times 2016=12,59$
2017	$-1521,583+0,761 \times 2017=13,35$
2018	$-1521,583+0,761 \times 2018=14,12$
2019	$-1521,583+0,761 \times 2019=14,88$
2020	$-1521,583+0,761 \times 2020=15,64$

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бюджет даромадлари ва харажатларининг мутаносиблиги ва улар орасидаги оптимал нисбатни аниқлаш алоҳида аҳамиятга эга экан. Мамлакатимизда бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносиблик халқаро талабларга жавоб беради яъни бугунки кунда бюджет профицити 0,4 фоиз эканлиги фикримизнинг яққол далилидир.

Бюджет ҳолатининг истиқболга прогноз кўрсаткичлари динамикаси(млрд. долл.)³⁵

Йиллар	Бюджет даромадлари	Бюджет харажатлари	Бюджет профицити
2014	11,33	11,07	0,26
2015	12,12	11,83	0,29
2016	12,91	12,59	0,32
2017	13,70	13,35	0,35
2018	14,49	14,12	0,37
2019	15,28	14,88	0,4
2020	16,07	15,64	0,43

III-бобга хулоса қиладиган бўлсак, мамлакатимизда бюджет тизимидаги кенг кўламли ислохотлар бюджет тизимини янада такомиллаштиришга ва барқарор даромад манбаларини таъминлашга

³⁴ Тренд функцияси орқали муаллиф томонидан аниқланган.

³⁵ Муаллиф томонидан ҳисобланган.

хизмат қилаётганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг даромад ва фойда солиқ ставкалари ва имтиёзлар ҳам ушбу соҳадаги кенг кўламли ислохотлардан эканлигини ушбу бобда келтириб ўтдим.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида солиқ-бюджет тизимини такомиллаштиришни, солиқ йиғимларини соддалаштириш ва бунинг натижасида бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш, бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносибликни сақлаш муҳим аҳамиятга эга экан.

Бюджет даромадлари ва харажатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш ҳам мамлакат бюджет тизимининг муҳим вазифаларидан эканлиги келтирилган. Шунингдек, бюджет даромадлари ва харажатларининг тренд функцияси орқали прогнозлари ҳам келтирилган.

Ушбу прогнозлар кўрсатадики, узоқ йиллар мобайнида ҳам мамлакатимизда жаҳон талабларига мос бюджет профицити таъминланади.

Хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Мамлакатимизнинг иқтисодий эркинлаштириш шароитида ижтимоий-иқтисодий тараққиётда тўғри йўл тутганлиги, унинг ривожланиши асосида қабул қилинган тамойилларнинг мантикий яхлитлиги ва кенг қамровлиги, энг муҳими, уларнинг халқимиз ҳаётида мазмун-моҳиятини чуқур ифодалай олганлиги яққол намоён бўлмоқда.

Мамлакатимиздаги чуқур кенг кўламли иқтисодий ислохотлар, ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, иқтисодий модернизациялаш ва диверсификациялаш, чуқур таркибий ўзгаришлар 2012 йилда ҳам ўзининг салмоқли натижаларини кўрсатди. Эришилган натижа ва муваффақиятларнинг кенг таҳлили ҳамда келгусида эътибор қаратишимиз лозим бўлган масалаларни янада чуқурроқ ҳал этиш борасида Президентимиз И. Каримов шу йилнинг 19 январида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилнинг асосий йўналишлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусида маъруза қилди. Маърузада мамлакатимизда 2012 йилда эришган ижобий натижалари ва 2013 йилга бағишланган устувор вазифалар белгиланиб, мамлакатимизда солиқ-бюджет тизимини янада мустаҳкамлигини таъминлаш ва бюджет ижросини ижтимоий йўналтирилганлигини сақлашга қаратилиши таъкидланди. Ушбу маърузада Президентимиз алоҳида эътироф билан “2012 йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, яқка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни

ўртача икки баробар камайтирилгани буни яққол тасдиқлайди”³⁶ деб таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, бугунги кунда мамлакатда ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантириш, ички ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш юзадидан бюджет ва солиқ тизимидаги ислохотлар ва уларнинг амал қилиши янада соддалаштирилмоқда. Шундай экан мамлакатнинг ички имкониятларидан самарали фойдаланиш учун солиқ ва божхона имтиёзларининг амал қилиши мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва юқори иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Солиқ сиёсатида тўғри солиқларнинг аҳамиятини ошириш, бюджет-солиқ тартиби устун даражада инфляциясиз (ёки хавфсиз инфляцияли) усуллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида мамлакатимизда солиқ-бюджет тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий ҳимоялаш ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар учун ҳам солиқ ва божхона имтиёзларининг берилаётганлиги тизимида самарали фаолиятни таъминлаётганлигини кўришимиз мумкин.

Солиқ-бюджет тизimini такомиллаштириш йўналишлари сифатида қуйидаги таклифларни келтириб ўтишимиз мумкин:

Ø ҳозирги кундаги мамлакатимизда ғазна ижросини амалга оширишни янада ривожлантириш ва соддалаштириш улар фаолиятида ягона бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш;

Ø жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғини ҳисоблаш тартибининг янада соддалаштирилган механизмини ишлаб чиқиш (бунинг натижасида барча солиқ тўловчилари ўзларининг қай тартибда ва қанча миқдорда солиқ тўлаётганлиги ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиши ҳамда солиқ мажбуриятини онгли равишда ёндошувни таъминлаш мумкин);

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузаси //Халқ сўзи 19.01.2013й.

Ø жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкасини қўллашда жисмоний шахсларнинг даромад топаётган ҳудудларига қараб табақалаштириш (масалан, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун ягона солиқ тўлови ставкасининг ҳудудлар бўйича қўлланилиши амалиётда яхши натижа бермоқда);

Ø ягона солиқ тўловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун солиқ ҳисоботларини давр охирида тўлашини ташкил қилиш;

Ø солиқ ставкаларини унификациялаш натижасида бюджет даромадларини ошириш ва ундан самарали фойдаланишда мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларнинг сонини ошириш;

Шунингдек, давлат бюджетининг қарийб 60 фоизига яқини ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилганлиги “Ўзбек модели” даги “Кучли ижтимоий сиёсат” тамойилининг амалиётдаги яққол ифодаси ошиб бораётгани ҳам самарали солиқ-бюджет тизимининг яратилганлиган далолат беради.

Адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2012 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Тошкент: “Yurist-Media markazi” 2011 йил.
3. «Давлат бюджетининг ғазначилик ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. - Т.: «Ўзбекистон», 2004 йил 26 август.
4. “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни.- Т.: «Ўзбекистон», 2000 йил 14 декабр.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги 2012 йил 25 декабрь, ПҚ-1887-сон қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида” 2013 йил 14 майдаги ПҚ-1965-сонли қарори.
7. Ислон Каримов. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъруза, Тошкент, “Ўзбекистон”, 2013 йил.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 28 февралдаги ПҚ - 594 - сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 йилги

инвестиция дастури тўғрисида” 2012 йил 21 ноябрь, ПҚ–1855-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури тўғрисида”ги 2011 йил 7 февралдаги қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

12. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.

13. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябр – Т.: Ўзбекистон, 2010 – 56 б.

14. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини йуксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011 – 48 б.

15. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Тошкент.: Халқ сўзи газетаси, 2012, 9 декабр.

16. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада йуксалтиришдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. -80 б.

17. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф етишнинг йўллари ва чоралари – Т.:Ўзбекистон, 2009.-56 б.

18. Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тарақиётининг асосий мезонидир.–Т.: Асарлар, 19-жилд, Ўзбекистон, 2011.

19. Каримов И.А.«Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ // Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль.

IV. Асосий адабиётлар

20. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия. Дарслик / Тошкент Молия Институти. – Тошкент: “Ношир”, 2011. 712-бет.

21. Гадоев Е. и др. Упрощённая система налогообложения. Учебно-практическое пособие. - Т.: Норма, 2011.- 324 с.

22. Гадойев Е. и др. Косвенные налоги. Учебно-практическойе пособийе. - Т.: Норма, 2011.- 220 с.

23. Гадоев Е. и др. Налог на прибыль. Учебно-практическое пособие. - Т.: Норма, 2011.- 356 с.

24. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув кўлланма. – Т.: “Академнашр”, 2011. - 472 б.

25. Барулин С.В., Ермакова Е.А., Степаненко В.В. Налоговый менежмент. Учебник.- М.: Издателско-торговая корпорация «Дашков и Ко», 2011. – 332 с.;

26. Вылкова Е.С. Налоговое планирование. Учебник-М.:Юрайт,2011-639 с

27. Б.К. Тухлиев, Х.А. Қурбонов, М.Ж.Бауетдинов, М.Б. Бижанова Давлат бюджети: Ўқув кўлланма – Т.: ТДИУ, 2010. - 199 б.

28. Баева Ж.Б., Тухлиев Б.К.. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети тизими. Ўқув кўлланма – Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2010. - 180 б.

29. Майбуров И.А. Налоговая политика. Теория и практика. Учебник - М.: ЮНИТИ, 2010.- 519 с.

30. Ваҳобов А.В, Жўрайев А.С. Солиқлар ва солиққа тортиш. Дарслик. Т.: Шарқ, 2009. 448- бет.

31. Шалагина М.А., Невская М.А. Налоговое администрирование. Учебное пособие.- М.: Омега-Л, 2009.– 250 с.

32. Александров И.М. Налоги и налогообложение: Учебник. Издателско-торговая корпорация «Дашков и Ко», 2009.–227 с.

33. Майбуров И.А. Налоги и налогообложение. Учебник - М.: ЮНИТИ, 2010.- 559 с.

V. Қўшимча адабиётлар

34. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2012 йилнинг асосий йўналишлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “O‘qituvchi” НМИУ. - 2013. – 374 бет.

35. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг 2011 йилнинг асосий йўналишлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012. – 282 бет.

36. Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан. Ўзбекистоннинг 20 йиллик мустақил тараққиёт йўлида қўлга киритган ютуқ ва натижалари, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, туб ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига етказиш, жойларда ташкилий-

амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш учун мўлжалланган илмий-оммабоп нашр. – Т.: «Иқтисодиёт», 2011. - 200 бет.

37. Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011. – 340 бет.

38. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010. – 146 бет.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

39. Жураев А. Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш ва унинг макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги аҳамияти. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2004 йил апрел №4 сони.

40. Шербаков Г.Л. Маҳаллий молия менежменти. – Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёти жамғармаси, 2004.

41. Қосимова Г. Ғазначилик тизимини ахборот билан таъминлаш. «Бозор, пул ва кредит» журнали, 2003, 6-сон.

42. Қурбонов Х.А. Бюджет қурилиши ва бюджетлараро муносабатларни ташкил қилиш принциплари. Иқтисодиёт ва таълим журнали журнали, 2003, 4-сон.

43. Маликов Т. Солиқлар ва солиққа тортишнинг долзарб масалалари. -Тошкент: Академия, 2002.

44. «Бозор, пул ва кредит» журнали. 2010-2012 йил сонлари.

45. «Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси» журнали 2010-2012 йиллар.

46. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.

47. “Ўзбекистон Иқтисодиёти” статистик маълумотлар тўплами. -Т., 2010-2012

VII. Интернет сайтлари

48. www.press-service.uz (Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот хизмати)

49. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)

50. www.mineconomy.uz (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги)

51. www.mf.uz (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги)

52. www.soliq.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси)

53. www.stat.uz (Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси)

54. www.norma.uz (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги)

55. www.lex.uz (Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги)

56. www.dissercat.ru (Электронный каталог диссертации)